БУТУН ДУН'Ё ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР' ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 153 (384)

3 АВГУСТ ЧОРШАНБА 1955 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

БУГУНГИ СОНДА:

Швейцария миссиясида қабул маросими (1-нчи бет).

Областимизда (1-нчи бет).

ОҒИР САНОАТИМИЗНИНГ ИЛҒОР КИШИЛАРИ: **В. Качаев.** — Мастер ва унинг шогирдлари (1-нчи бет).

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: **Ҳ. Дониёров.** — МТС — колхоз ишлабчиқаришида ҳал қилучи куч (2-нчи бет).

И. Сатторов. — Комбинат касаба союз ташкилоти ва ишлабчиқариш (2-нчи бет).

МАКТАБЛАРНИ ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА ПУХТА ТАЙЁРЛАЙЛИК! — **Т. Йўлдашев.** — Мактаблар ремонтидаги ўзибўларчиликка барҳам берилсин (2-нчи бет).

Октябрь районида мўл ҳосил етиштириш учун барча имкониятлар бор (3-нчи бет).

В. М. Молотов Корея Халқ Демократик Республикасининг СССРдаги элчиси Ли Сан Чони қабул қилди (4-нчи бет).

Югославия парламент делегацияси Москвага жўнаб кетди (4-нчи бет).

Ҳиндистонда пахта етиштириш бешйиллик плани бажарилди (4-нчи бет).

Женевада Хитой-Америка музокаралари (4-нчи бет).

МАКТАБЛАРНИ ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА ҲАРТОМОНЛАМА ПУХТА ТАЙЁРЛАЙЛИК

Партия ва ҳукуматимиз ёшларни ўқитиш, уларни коммунистик аҳлоқнинг барча юксак сифатларига эга қилиб тарбиялаш тўғрисида доимо ғамхўрлик қилиб келмоқдалар. Шу муносабат блан мамлакатимизда халқ маорифини ривожлантириш учун ҳар йили давлат бюджетидан жуда кўп маблағ сарфланмоқда.

Бунинг натижасида яхши ускуналанган янги мактаб биноларн қурилмоқда, мактабларнинг ўқув-материал базаси мустаҳкамланиб, юқори малакали педагог кадрлар тайёрлаш йил сайин кенгайтирилмоқда, дарсликлар нашр этиш, кўргазмали ўқув қуроллари, мактаб ускуналари, ёзув буюмлари ишлаб чиқариш кўпайтирилмоқда. СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Марказий Статистика Бошқармасининг яқинда э'лон қилинган ахборотидан ма'лумки, ўрта мактабларнинг сони ишчи ва қишлоқ ёшлари мактабларининг сони блан бирга қўшганда 1955 йилнинг биринчи ярмида 1954 йиднинг биринчи ярмидагига нисбатан уч ярим мингга кўпайган. Ўрта мактабларни тамомлаб, етуклик аттестати олганларнинг сони бу йил ўтган йилга нисбатан 25 процент ортган. Зарур бўлган барча моддий шароитлар блан та'минланган мактабларимиз ўқув-тарбия ишларини яхшилашда катта муваффақиятларни қўлга киритмоқдалар.

Областимиз халқ маорифи ходимлари, мактабларнинг педагогик коллективлари ўтган 1954-55 ўқув йили давомида та'лим-тарбия ишлари савиясини анча яхшиладилар. Умумий мажбурий та'лим ҳақидаги Қонунни бажариш, бир синфда икки йил қолиш ҳолларига қарши кураш ва ўқув процессига политехника та'лимини жорий қилиш соҳасида самарали иш олиб борилди. Педагогика ишининг моҳир мастерлари бўлган кўпгина илғор ўқитучилар ўзлари дарс беräётган фанлардан юқори ўзлаштиришга эришдилар.

Ўтган ўқув йилида областимиз мактабларида 200 мингга яқин ўқучи та'лим олди. Ўрта мактабларнинг X синфларини 4650 йигит-қиз тамомлаб, етуклик аттестати олдилар. Улар фан асосларини янада чуқур ва мустаҳкам эгаллаш, коммунистик жамиятнинг онгли ва актив қуручилари бўлиб етишиш учун олий ўқув юртларига кирмоқдалар. Шу блан бир қаторда ўрта мактабларни тамомлаган йигит-қизларимизнинг бир қисми ўзлари севган касбларни танлаб, саноат корхоналарида ишлаш учун бормоқдалар. Чунки, бизнинг мамлакатимизда ёшларнинг ўз талант ва қобилиятларини ҳартомонлама ривожлантиришлари, эркин равишда касб танлашлари учун ҳамма йўллар очиқ.

Ўқув йилини муваффақиятли якунлаган мингларча болалар шу кунларда ёзги каникулни кўркам боғлар, хушманзарали соялқин жойларда қувноқ ва кўнгилли дам олиб ўтказмоқдалар, тоғ, дар'ё, кўл, анҳор ва ўрмонларга бой ўлкамиз бўйлаб саёҳат қилмоқдалар. Улар яқин кунларда ўз қадрдон мактаблари қучоғига янги куч ва ғайрат тўплаб қайтадилар. Шунга кўра ҳарбир мактаб коллективи ўз ўқучиларини янги ўқув йилига ҳартомонлама пухта тайёргарлик кўрган ҳолда кутиб олиши керак.

Мактабларни янги ўқув йилига ўз вақтида намунали тайёрлаш давлат аҳамиятига эга бўлган муҳим ишдир. Бу соҳада Бекобод шаҳар жамоатчилигининг ташаббуси диққатга сазовордир. Бекободлилар йилдагидек бу йил ҳам мактабларни янги ўқув йилига муддатидан илгари намунали тайёрлаш юзасидан ўз зиммаларига социалистик мажбурият олган эдилар. Шунга кўра шаҳардаги саноат корхоналарининг коллективлари ва жамоат ташкилотлари ўз оталикларидаги мактабларда ремонт ишларини барвақт бошлаб юбордилар. Улар мактабларни зарур қурилиш материаллари, ишчи кучи блан етарли миқдорда та'минладилар. Натижада олинган мажбурият муддатидан илгари адо этилди, шаҳардаги ҳамма мактаблар, улардаги инвентарьлар, асбоб-ускуналар, ўқитучиларнинг квартиралари тўла ремонтдан чиқарилди. Халқ маорифи доимий комиссияларининг а'золари, депутатлар ва жамоат ташкилотларининг вакиллари иштирокида мактаб ёшидаги болаларнинг барчаси рўйхатга олинди, қишки ёқилги запасларининг 50 процента мактабларга ташиб келтирилди.

Колхозлар ва аҳолининг колхозларда мактаб бинолари қуриш ва мавжуд мактабларни ремонт қилишда кўрсатаётган ташаббусларини ҳам алоҳида кўрсатиб ўтиш керак. Масалан, Тошкент районидаги Каганович номли колхоз а'золарининг кучи ва колхоз маблаги блан 2-нчи ўрта мактаб биноси, ундаги инвентарьлар ремонт қилинмоқда ва мактаб учун қўшимча 4 синф хонаси қурилмоқда. Ҳозир ремонт ва қурилиш ишлари жадал сур'атлар блан олиб борилмоқда.

Лекин, э'тироф қилиш керакки, мактабларни янги ўқув йилига тайёрлашда областимизнинг кўпгина район ва шаҳар мактабларида жиддий камчиликларга йўл қўйилаётир. Ўртачирчиқ, Мирзачўл ва Сирдар'ё район партия ва совет ташкилотлари ҳамда халқ маорифи органлари давлат аҳамиятига эга бўлган бу муҳим ишга жиддий э'тибор бермаётирлар. Бу районларда мавжуд мактаб биноларини ремонт қилиш ишлари планли равишда тўғри уюштирилмаган, мактаблар ремонт материаллари ва ишчи кучлари блан тўла та'минланмаган. Чунончи, Мирзачўл районида 34 мактаб биноси ремонт қилиниши керак. Лекин вақт ўтиб бораётганига қарамай, шу вақтга қадар фақат 8 мактаб биноси ремонтдан чиқарилган. Кўпгина мактабларда ремонт ишлари бошланмаган ёки етарли контрольлик йўқлигидан мактаб биноларн ва инвентарьлари жуда секинлик блан ремонт қилинмоқда. Республикамиз пойтахти — Тошкент шаҳрида ҳам мактаб бинолари қурилишига жуда ёмон раҳбарлик қилинмоқда. Мактабларни ремонт қилиш ҳалигача чинакам қизитиб юборилмаган. Бу айрим район ва шаҳар ижроия комитетлари ҳамда халқ маорифи органлари томонидан мактабларни машғулотлар бошланадиган вақтгача тайёрлашнинг аҳамиятига етарли баҳо берилмаётганлигининг натижасидир.

Мактаб ёшидаги болаларни рўйхатга олиш ишлари ҳамма ерда ҳам яхши ўтказилаётир, деб бўлмайди. Кўпгина қишлоқ Советларида болаларни хўжалик дафтарларига ёзиш, мактаб ёшидаги болаларга туғилганлиги ҳақида гувоҳномалар бериш қониқарли аҳволда эмас.

Ҳозир мактабларимиз янги ўқув йилига ўз вақтида ва ҳартомонлама пухта тайёргарлик кўриш каби мас'улиятли даврни кечирмоқдалар. Бу муҳим ишнинг муваффақиятли бажарилиши маҳаллий партия, совет ташкилотлари раҳбарларининг, халқ маорифи органлари ходимлари, мактаб коллективлари ҳамда бутун жамоатчиликнинг актив ёрдами ва чинакам ташаббус кўрсатишларига боғлиқдир.

Янги мактаблари ўз вақтида қуриб битказиш ва мавжуд мактаб биноларини ремонт қилиш ишларини тамомлаш янги ўқув йилига тайёргарлик кўриш соҳасида кечиктириб бўлмайдиган энг муҳим вазифадир. Шунинг учун ҳам шаҳар ва район ижроия комитетлари, Ўзбекистон ССР шаҳар ва қишлоқ қурилиши министрлигининг қурилиш ташкилотлари ҳарбир об'ект бўйича мактаб бинолари қурилиши қандай бораётганлигини кўздан кечириб туришлари, қурилаётган мактаб биноларини қат'ий белгиланган муддатларда фойдаланишга топширишни та'минлашлари керак. Шунингдек, колхозлар ва аҳолининг мактаб бинолари қуриш ва мактабларни ремонт қилишда ёрдам кўрсатиш ҳақидаги ташаббусларидан кенг фойдаланиш лозим.

Янги ўқув йилига тайёргарлик ишларида энг муҳим вазифалардан бири — ҳамма жойда умумий мажбурий та'лим ҳақидаги Қонуннинг амалга оширилишини та'минлашдан иборатдир. Маҳаллий партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари бу соҳада мактабларнинг коллективлари ва халқ маорифи органларига ёрдам беришга мажбурдирлар.

Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги, область халқ маорифи бўлими янги ўқув йилига тайёргарлик даврида мактабларни малакали ўқитучи кадрлар, кўргазмали ўқув қуроллари, ўқучиларни сифатли дарсликлар, ўқитучиларни методик адабиётлар ва программалар блан етарли равишда та'минлашлари керак. Политехника та'лимини жорий қилишда мактаблар яхши жиҳозланган фан кабинетлари, тажриба асбоблари ва кўргазмали ўқув қуроллари блан тўкис та'минланиши, бу асбоб-ускуналар юборилганда ҳарбир мактабнинг эҳтиёжи тўғри ҳисобга олиниши лозим.

Янги ўқув йилига намунали тайёргарлик кўриш — мактабларимизнинг муваффақиятли ишлаши ва ўқув-тарбия ишлари савиясини юқори даражага кўтаришнинг гаровидир. Шунинг учун ҳам халқ маорифи тўғрисида, мактаб тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилиш партия ташкилотларининг диққат марказида туриши керак.

Швейцария миссиясида қабул маросими

Миллий байрам — Конфедерация тузилган Кун муносабати блан Швейцариянинг СССРдаги Фавқулодда Вакили ва Муҳтор Министри Э. де Халлер 1 августда қабул маросими ўтказди.

Қабул маросимида Н. А. Булганин, В. М. Молотов, Н. С. Хрушчев, СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг раиси А. П. Волков, СССР Министрларининг ўринбосарлари С. А. Борисов, А. А. Громико, В. А. Зорин, Москва Совети ижроия комитетининг раиси М. А. Яснов, Антиохий православия черковининг епископи Сергиопольский Василий, СССР Ташқи Ишлар Министрлиги 1-нчи Европа бўлимининг мудири А. А. Арутюнян, Қизил Крест ва Қизил Яримой жамиятлари Союзи Ижроия комитетининг раиси профессор Г. А. Митерев, СССР Министрлар Совети Раисининг Протокол бошлиги Е. А. Тарабрин, СССР Ташқи Ишлар Министрлиги Протокол бўлимининг мудири Ф. Ф. Молочков, Москва шаҳрининг коменданти генерал-майор И. С. Колесников, СССР Ташқи Ишлар Министрлиги, Ташқи савдо министрлиги ва Четэллар блан маданий алоқа қилучи Бутуниттифоқ жамиятининг мас'ул ходимлари, совет маданияти арбоблари, совет ва четэл журналистлари ҳозир бўлдилар.

Қабул маросимида мехмонлар орасида Москвадаги дипломатик ваколатхоналарнинг Бошлиқлари, Элчихона ва Миссияларнинг ходимлари ҳам бор эдилар. (ТАСС).

Областимизда

☆

ШАҲАР ЭЛЕКТР ТРАНСПОРТИ ИШИНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШ УЧУН

Ўзсовпроф президиуми Тошкент аҳолисига электр транспорти хизматининг аҳволи ҳақидаги масалани муҳокама қилди. Та'кидлаб ўтилдики, Тошкент трамвайтроллейбус трести сўнгги ярим йил ичида ўз ишини анча яхшилади. Трамвай ва троллейбус маршрутларида вагон ва машиналарни чиқариш кўпайтирилди, йўлдан бузуқ вагон ва машиналарни паркка қайтариш ҳоллари камайди, эксплуатация тезлиги ошди, вагонлар ҳаракати қучайди. Шу вақт мобайнида янги троллейбус линиялари ишга туширилди, 1-нчи ва 8-нчи трамвайларнинг линияси икки излик қилинди, 4-нчи трамвай маршрути узайтирилди.

Шу блан бирга, Ўзсовпроф трамвайтроллейбус трести фаолиятидаги, айниқса пассажирларга хизмат кўрсатишдаги камчиликларни ҳам қайд қилиб ўтди. Трамвай ва троллейбус тўхтайдиган кўпгина остановкалар ободонлаштирилмаган — асфальтланмаган ва ёритилмаган. Кондуктор ва ҳайдовчиларнинг пассажирларга қўпол муносабатда бўлиш ҳоллари учрамоқда. 2, 5, 8-нчи трамвайларнинг маршрути бир ме'ёрда ишламаётир.

Юқоридаги каби фактлар шунинг учун содир бўлмоқдаки, трест раҳбарлари ва касаба союз ташкилоти трамвай-троллейбус трести коллективи ўртасида меҳнат интизомини мустаҳкамлаш ва сиёсий-тарбиявий ишларни кучайтириш юзасидан етарли чоралар кўрмаётирлар. Мутахассислик бўйича «Энг яхши кондуктор», «Энг яхши троллейбус ҳайдовчи», «Энг яхши вагон ҳайдовчи» деган унвон олиш учун социалистик мусобақа қизитилмаган.

Ўзсовпроф президиуми мавжуд камчиликларни тугатиш, Тошкент аҳолисига шаҳар электр транспорти хизматини янада яхшилашга қаратилган тадбирлар белгилади.

СИЛОС ТРАНШЕЯЛАРИ ҚУРИЛМОҚДА

Хилково цемент заводи ишчилар та'минот бўлимининг қўшимча хўжалигида чорва моллари учун силос босишга тайёргарлик кучайтириб юборилди. Иккита 135 кубометр ҳажмли силос траншеясини қуришга киришилди. Заводнинг капитал қурилиш бўлими ҳар иккала траншеяни биринчи августгача қуриб тамомлаш мажбуриятини олди. Қурилиш тез сур'атлар блан бормоқда.

Дурадгор Желяков, бетончи Арьков ва бошқа ишчилар астойдил меҳнат қилиб, кунлик топшириқни 150 процентдан бажармоқдалар.

А. ПАВЛЕНКО.

Илғорларга кўчма қизил байроқ топширилди

Янгийўл шаҳар корхоналари ўртасида КПСС XX с'езди шарафига бошланган социалистик мусобақа тобора кенг қулоч ёймоқда.

Социалистик мусобақада тикувпойафзал комбинатининг коллективи олдинда бормоқда. Комбинат ишчилари мавжуд асбоб-ускуналардан тўла фойдаланиш натижасида меҳнат унумдорлиги ўтган йилнинг шу давригa нисбатан 16 процент оширдилар, маҳсулот таннархи пландагига нисбатан 1,6 процент камайди. Хомаш'ё ва ёрдамчи материалларнинг тежаб-тергаб ишлатиш натижасида 8 минг квадрат-метр материал, 5,5 минг киловатт-соат электроэнергия тежалди. Биринчи сорт маҳсулот ишлаб чиқариш пландагидан 4 процент ошди.

Комбинат коллективига ишлабчиқаришда юқори кўрсаткичларга эришганлиги учун шаҳар партия комитети ва шаҳар ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғи топширилди.

Болалар боқчалари ходимлари курси ўз ишини тугатди

Область халқ маорифи томонидан ташкил қилинган болалар боқчаси тарбиячиларининг малакасини ошириш бир ойлик курсида машғулотлар тамом бўлди. Курс машғулотларига Бекобод, Бўка, Ховос, Қуйичирчиқ, Оққўрғон ва бошқа районлардан келган 45 тарбиячи қатнашди.

Курсантларга лекция ўқиш учун юқори малакали докторлар жалб қилинди. Булар орасида Недопёкина (Тошкент педагогика институти мактабгача факультетининг кафедра мудири), Подоляк (музикашунос), Подольская (республика мактабгача педагогика кабинетининг старший методисти) ўртоқлар бор. Улар курсантлар учун мактабгача ёшдаги болалар тарбиясига оид темаларда мазмунли ва қизиқарли лекция ўқидилар. Лекция блан бирга, тарбия ишидаги тажрибаларни ўртоқлашиш мақсадида семинар машғулотлари ҳам ўтказилди.

Бундан ташқари курсантлар шаҳардаги табиёт, сан'ат ва тарих музейларига мактабгача болаларни тарбияловчи Марказий метод кабинети ҳамда Оржоникидзе районидаги 1-нчи болалар боқчасига экскурсияга бордилар. Курс охирида тарбиячилар халқаро аҳвол тўғрисида мазмунли лекция тингладилар.

Курсантлар жойларга ишга жўнаб кетдилар.

Т. ТОРГАШОВА.

☆

АРТЕЛЬ КОЛЛЕКТИВИНИНГ ҒАЙРАТИ

Тошкентдаги Клара Цеткин номли трикотаж артелининг меҳнатсевар коллективи КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорига амалий иш блан жавоб бермоқда. Артельнинг ҳамма а'золари кундалик топшириқни тўла ва ошириб адо этмоқдалар. Илғор ишчилар сони кунданкунга кўпаймоқда. Ускуналар ва иш вақтидан унумли фойдаланиш орқасида Д. Тожихўжаева, М. Колосова, Н. Эрханов, Л. Набиева сингари кўпгина ўртоқлар кунлик иш нормаларини 150—170 процентга етказиб бажармоқдалар.

Индивидуал ва бригадаларарО мусобақани қизитиб юбориш натижасида артель бўйича 7 ойлик ишлабчиқариш плани маҳсулотнинг ҳамма турлари юзасидан 120 процентга етказиб бажарилди. Шу блан бирга жамғарма бўйича берилган планни ҳам ўтган 6 ойда 1,5 хиссадан ортиқ қилиб бажардилар.

Т. НАЖМИТДИНОВ.

СОВХОЗ БАДИИЙ ҲАВАСКОРЛАРИ ТУГАРАГИДА

Қуйичирчиқ районидаги «Ўзбекистон ССР бешйиллиги» пахтачилик совхози ишчилар комитетининг ташаббуси блан бадиий ҳаваскорлик тўгараги ташкил этилди. Тўгаракка совхоз ишчилари, механизаторларидан жуда кўп киши иштирок этмоқда. Ўртоқ Сатторов раҳбарлик қилаётган ҳаваскорлар коллективи совхознинг ҳамма бўлимларида бўлиб, совхоз ишчиларига концертлар берди.

Бадиий тўгарак а'золаридан Эргаш Мирзаалиев, Олияхон Расулева ижросидаги лапар ва ашулалар тамошабинларда катта таассурот қолдирди. Коллективнинг актив а'зоси Вера Нам кореец халқ рақс ва қўшиқларини маҳорат блан ижро этиб, совхоз ишчиларининг ҳурматига сазовор бўлди.

Совхоз бадиий ҳаваскорлик коллективи Андреев номли, Будённий номли, Молотов номли колхозларда ҳам булиб, пахтакорларга маданий хизмат кўрсатди.

Д. ТОШХУЖАЕВ.

ЯНГИ МАГАЗИН

Сирдар'ё районининг маркази йилданйилга обод ва кўркам бўлмоқда. Бу ерда кейинги йилларда бирнеча маданий-маиший ва уй-жой биноларн қурилди. Бу йил районда битта ўрта мактаб, район марказида хўжалик магазини учун ҳашаматли бино қурилиши тамомланди.

Магазин биносининг ички ва ташқи томони чиройли қилиб ишланган. Прилавка ва бошқа ёрдамчи ускуналар савдо ходимлари ҳамда харидорлар учун анча қулайлик туғдиради.

Ҳ. АБДУСАМАТОВ.

СОВЕТ ИТТИФОҚИДА

ҚАБУЛ ИМТИҲОНЛАРИ БОШЛАНДИ

Мамлакатдаги олий ва ўрта махсус ўқув юртларида 1 августда қабул имтиҳонлари бошланди.

Москва Давлат университети факультетларига олти мингдан ортиқ йигит ва қизлар келдилар. Сталин номидаги Москва станок-инструменталь институтида рус тилидан ёзма имтиҳон бўлиб ўтди. Синовлар бир вақтда уч жойда ўтказилди: икки жойда кундузги факультетларга кируучилар учун, бир жойда институтнинг кечки бўлимига кируучилар учун ўтказилди.

Мингларча йигит ва қизлар Ленинграддаги 50 га яқин олий ўқув юртларининг аудиторияларига тўпландилар. Ленинград, Узоқ Шимол, Кавказ, Болтиқбўйи республикалари, Ўрта Осиёдаги ўрта мактабларни тамомлаб чиққанлардан икки мингга яқин киши университетнинг 12 факультетида бугун рус тили ва адабиётдан синовдан ўтдилар. Бу кекса олий ўқув юрти бу йил 1500 дан ортиқ янги студентлар қабул қилади.

Университетнинг бирнеча факультетида биринчи марта кечки бўлимлар ташкил қилинди. Бу бўлимларда ишлаб турган ишчилар ва хизматчилар ўқийдилар.

Томоқдаги олтита олий ўқув юртининг, шунингдек махсус ўрта ўқув юртларининг аудиторияларига 8 мингга яқин йигит ва қизлар келдилар. Бу ерга Кузбасс, Шарқий Сибирь, Узоқ Шарқ, Ўрта Осиё меҳнаткашларининг болалари ўқишга келдилар. Имтиҳонлар бошланиши олдидан ёшлар университет блан, политехника ва медицина институтлари блан танишдилар. Политехника институтининг деканлари ва кафедра мудирлари институт қандай мутахассислар тайёрлаб чиқариши тўғрисида суҳбат ўтказдилар.

Янги ўқув йилида олий ўқув юртларининг фақат кундузги факультетларининг биринчи курсларита 256 минг киши қабул қилинади. 1 сентябрьда студентларнинг жам'и сони 1 миллион 100 минг кишига етади, кечки ва сиртқи олий ўқув юртларида ҳамда кечки ва сиртқи бўлимларда ўқучи студентлар блан биргаликда уларнинг сони 1 миллион 800 минг кишига етади. (ТАСС).

«ЖАВОҲАРЛАЛ НЕРУ СОВЕТ ИТТИФОҚИДА» ДЕГАН АЛЬБОМ

Давлат тасвирий сан'ат нашриёти (ИЗОГИЗ) «Жавоҳарлал Неру Совет Иттифоқида» деган альбом чиқарди. Албом кўп нусхада чиқаридн.

Ҳиндистон Республикаси бош министрининг шу йил июнь ойида Совет мамлакатида бўлган вақтидаги энг муҳим пайтлар етмишдан ортиқ фотографияда акс этдирилган. Суратлар серияси Жавоҳарлал Нерунинг катта портрети блан бошланади. Фотографиялар А. Гаранин, А. Гостев, В. Носков, Н. Петров ва ТАСС фотохроникаси мухбирлари томонидан олинган. Кириш сўзи ва суратлар остидаги ёзувлар рус ва инглиз тилларида ёзилган. (ТАСС).

«ҲИНДИСТОН МАДАНИЯТИ ВА САН'АТИ» ВИСТАВКАСИ ЕПИЛДИ

СССР Сан'ат академиясининг залларида «Ҳиндистон маданияти ва сан'ати» виставкаси ташкил этилган эди. Бу виставка икки ой давомида очилиб турди. Виставкада бир ярим мингдан ортиқ экспонат, Ҳинд халқ усталари ва ҳозирги замон рассомларининг ишлари, Совет Иттифоқида Ҳиндистонни ўрганиш тарихига доир материаллар, революциядан аввалги рус рассомлари ва совет рассомлари чизган суратлар намойиш қилинди. Рус ва совет рассомлари ўз асарларида бу ажойиб мамлакат халқининг ҳаётини ва турмушини акс этдирганлар.

31 июльда ёпилган бу виставка совет меҳнаткашлари ўртасида катта муваффақият қозонди. Виставка очилган кундан буён уни 30 мингга яқин ишчи, колхозчи, фан ва маданият арбоблари, студентлар келиб кўрдилар. Виставкани келиб кўрганларнинг кўпи хурсандчилик блан ўз таассуротларини ёзиб қолдирдилар. Бу ёзувлар совет кишиларининг дўст ҳинд халқи маданиятига ғоят қизиқиб қараётганликларини кўрсатади. Ҳиндистон бош министри Жавоҳарлал Неру Москвада бўлган вақтида виставкани бориб кўрди. (ТАСС).

АРКТИКА РЕЙСИ ТУГАДИ

ВЛАДИВОСТОК, 1 август. (ТАСС). Кеча Шарқий Чукотканинг Певек портига «Енисей» деган дизельэлектроход келди. Кема қутбчилар учун беш минг тонна миқдорида халқ иste'моли товарлари етказиб берди.

Дизельэлектроход Провидение бухтасидан тортиб тайинланган жойгача бутун йўлни муз'ёрорсиз қатнаб ўтди.

ОҒИР САНОАТИМИЗНИНГ ИЛҒОР КИШИЛАРИ

Мастер ва унинг шогирдлари

Кенг ва ёруғ цехда иш қизғин бормоқда. Қатор-қатор ўрнатилган токарьлик, слесарьлик, пармалаш ва рандалаш станокларида ишлаётган ишчиларнинг кўпи ёшлар. Улар орасида бундай станокларни 25—30 йилдан бери бошқариб келаётган, бу агрегатларни такомиллаштиришда, янги, талантли мутахассислар етиштиришда ўзининг солмоқли ҳиссасини кўшган кекса ишчилар ҳам бор. Цехнинг қоқ ўртасига ўрнатилган фрезерлаш станогида ишлаётган Лисенко ҳам шулар жумласидандир.

Мана, у ҳозир кўтарма кран шестерняси-га механик ишлов бермоқда. Умуман фрезерлаш унча қийин ва оғир иш бўлмаса ҳам, бу ерда, Тошкент тепловоз депосида, анча мураккаб операция ҳисобланади. Чунки, бошқа корхоналарда кўпинча жуда нари борганда 40—50 килограмм оғирликдаги деталь ишланса, бу депода улкан детальлар тайёрланади. Михаил Прохоровович Лисенко обточка қилаётган шестерня шундай йирик заготовкалардан бири, унинг оғирлиги бирнеча юз килограмм келади. Бундай катта ва мураккаб детальни ҳарқандай ишчи ҳам тайёрлайвермайди. Чунки механик ишлов бериш пайтида бирон жойи чертёжда кўрсатилганидан ярим миллиметр нари-бери бўлиб кетса уни машинага ўрнатиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам цехда бу ишни энг тажрибали ишчиларга топширилади.

Михаил Прохоровович фрезерлаш станогида 35 йилдан бери ишлайди. Шу муддат ичида у, жуда кўп нарсаларни ўрганди, бой тажрибага эга бўлди. Унинг ишини кузатган ҳарбир киши ниҳоят маҳорат блан ишлаётганини кўради. Лисенко катта, ноқулай шестрняни шундай тез ва усталик блан обточка қиладики, унинг моҳирлигига цехдаги ҳамма ишчиларнинг ҳаваси келади.

— Жадал методда ишлашда Михаил Прохоровичнинг олдига тушадиган киши жуда кам,—дейишади цех ишчилари, — шунинг учун ҳам у, доим смена нормасини ошириб бажаради, яна унинг қўлидан чиққан маҳсулотнинг ҳаммаси а'ло сифатга қабул қилинади.

Михаил Прохорович илғор ишчи сифатидагина эмас, ғамхўр дўст ва меҳрибон устоз сифатида ҳам депо коллективи ўртасида катта ҳурмат қозонган. Етиштирган шогирдларининг сон-саноғи йўқ. Унинг қўлидан ҳунар ўрганиб чиққан ҳарбир йигит-қиз ўз устозини ҳали-ҳали ҳурмат

блан тилга олади. Уларнинг кўпи ишлабчиқариш илғорлари, донгдор новаторлар бўлиб етишдилар.

Депонинг тайёрлов цехига бундан бирнеча йил олдин келган тортинчоқ Акбар Иброҳимов Лисенконинг ажойиб шогирдларидан биридир. Акбар дастлабки пайтларда станокнинг «тилини» билмаслиги ва ортиқча шошиши натижасида детальларни тез-тез бракка чиқариб, асбоблардан бирини ёки станокни бузиб қўйиб, тоза хуноб бўлар эди. Бу шогирднинг бировдан ёрдам сўрашдан тортинаётганлигини сезиб олган устоз унга ётиғи блан та'лим бераР ва ишидаги камчиликни кўрсатиб, уни қандай тузатиш йўлини ўргатарди. Ишга жон-дили блан ёпишиб ўз касбдошлари ва устози кўрсатган ҳарбир янгиликни тез ўзлаштириб олиши натижасида Акбар Иброҳимов бирнеча ой ичида дурустгина ишлайдиган фрезерчи бўлиб етишди. Ҳозир деподагина эмас, балки бутун темир йўл Тошкент бўлимида ишлабчиқариш илғори ва актив жамоатчи сифатида танилди. Уни темирйўлчилар Тошкент шаҳар Советига депутат қилиб сайладилар.

Ленин район Советининг депутати, бешйиллик илғори Ҳамдам Шорасулов ҳам Лисенконинг шогирдларидан бири. Ҳамдамнинг ўткир зеҳнлилигини, эпчиллигини, ҳарбир касбга, ҳамма механизмларга қизиқиб қарашини яхши билиб олган Михаил Прохорович кўпинча унга:

— Бошқа машиналарга қизиқишинг яхши, уларни ҳам ўрганавер. Ҳозирги пайтда битта касб ишчига етарли бўлмай қолди, — деб та'кидлар эди. Шогирд устозининг маслаҳати бўйича иш кўрди. Цехнинг механика бўлимида Ҳамдам ишламаган станок қолмади. Ҳозир у кўпкасблиларнинг илғори, фрезерлаш, расточка қилиш ва детальни силлиқлаш ишларида ўз устозидан қолишмайди. Цехдагилар уни ҳазил блан «универсал ишчи» деб аташади.

Шунингдек деподаги Шорасулев, Ганин сингари бешйиллик илғорлари — Лисенконинг шогирдлари ўзларига топширилган ҳарқандай қийин ва мас'улиятли топшириқни тез ва сифатли қилиб бажариб, ўз устозлари ишончини оқлямоқдалар.

Мастер Лисенко кўп ёшларни янги касбга ва илғор иш методларига ўргатиш блан бирга уларнинг чин ватанпарвар ва софдил кишилар бўлиб етишишларида ҳам катта ҳисса қўшмоқда. У, цехдаги ҳарбир ёшга фойдали маслаҳатлар бериб, уларнинг меҳнатга бўлган онгли муносабатини оширади. Шунинг учун ҳам бу ерда иш маданияти ва меҳнат унумдорлиги юксак, давлат планлари ҳамма кўрсаткичлар бўйича ошириб бажарилаётир.

В. КАЧАЕВ.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

МТС—колхоз ишлабчиқаришида ҳал қилучи куч

Колхозларни моддий-техника жиҳатидан мустаҳкамлаш ва уларнинг ишлабчиқариш қувватини йил сайин ошириш каби улуғвор вазифани бажаришга астойдил бел боғлаган Мирзачўл районидаги 1-нчи МТС коллективи ўз фаолиятида янгидан-янги муваффақиятларни қўлга киритмоқда.

МТС парки давлат томонидан берилаётган янги машиналар ҳисобига тобора кенгаймоқда. Механизатор кадрларнинг сафи ўсмоқда ва мустаҳкамланмоқда. Ҳозир МТС да 350 дан ортиқ механизатор ва қишлоқ хўжалик мутахассислари ишлаб турипти.

МТС ва колхоз бошланғич партия ташкилотлари хўжалик ишлари блан оммавий-сиёсий ишларни кўпроқ бирга қўшиб олиб борадиган бўлиб қолдилар. Коммунистларнинг авангардлик ролини та'минлашга партия ташкилотлари кўпроқ э'тибор берабошладилар.

Ворошилов номли колхоз бошланғич партия ташкилотида 17 коммунист бор. Коммунистлар ишлабчиқаришнинг муҳим участкаларига бошчилик қилмоқдалар. Улардан 4 киши пахтачилик бригада ва звеноларининг бошлиги бўлиб ишламоқдалар, 2 киши чорвачиликка раҳбарлик қилмоқда.

Коммунист ўртоқ Мамарасул Йўлбарсов бошлиқ бригада ғўза парваришида колхоз бригадаларининг пешқадами ҳисобланади. Бригада а'золари бу йил 80 гектар ернинг ҳар гектаридан 27 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини олганлар. Ҳозир бригада ғўзалари 3 марта чопиқ ва культивация қилиниб, икки марта қондириб суғорилди. Ғўза парвариши янада зўр бериб давом этдирилмоқда.

Колхозда МТСнинг коммунист ўртоқ Муратов бошлиқ трактор бригадаси хизмат қилади. Ўртоқ Муратов ўз бригадасида ишни коммунистларга хос ташаббус блан ташкил этиб, ғўза парваришини намунали ўтказишда колхозга яхши ёрдам кўрсатмоқда. Ўртоқ Муратов бригадасининг тракторчилари ҳар куни нормадаги 45 ўрнига 55 — 60 гектар ердаги ғўзани ишлаб бермоқдалар.

Колхоз партия ташкилоти колхозда чорвачилик қурилиши ва чорва моллари учун мустаҳкам ем-хашак базаси яратишга алоҳида э'тибор бераётир. Бу йил 90 гектар ерга маккажўхори ва 4 гектар ерга озуқа лавлаги экилди. Колхоз 55 тадан сигир сиғадиган янги типдаги ёзлик ва қишлик молхоналар қурди. Ҳозир колхозда ҳарбирига 40 — 70 тоннадан силос сиғадиган 6 силос иншоати қурилиши давом этаётир.

Партия ташкилоти раҳбарлигида хўжаликнинг барча соҳаларини, айниқса уننг етакчи соҳаси — пахтачиликни ривожлантириш йўлида фидокорона меҳнат қилаётган колхоз а'золари кейинги йилларда катта муваффақиятларни қўлга киритдилар.

Жумладан, 1950 — 1955 йиллардаги колхозчилар ўртасида оммавий-сиёсий ва тарбиявий ишларни қучайтиришга тобора кўпроқ э'тибор бермоқдалар. Ҳозир МТС зонасидаги 12 колхоз даласидаги кўпсонли дала шийпонларида, чорвачилик фермаларида 200 дан ортиқ агитатор ишлаб турипти. Оммавий-сиёсий ишлар пахта далаларида фидокорона меҳнат қилаётган колхозчилар ва механизаторлар ўртасида ғўза парваришини тоборо қучайтириш ва ҳарбир шонани ғулга, ғулни эса кўсакка айлантириш учун курашни янада кучайтиришга қаратилган.

Мирзачўл районидаги 1 МТС коллективи бу йил колхоз далаларида мўл пахта ҳосили етиштириш, жамоат чорвачилиги учун мустаҳкам ем-хашак базаси яратишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб, колхозларнинг хўжалигини янада юксалтиришда уларга яқиндан ёрдам бермоқда.

Ҳ. ДОНИЁРОВ,

Мирзачўл район партия комитетининг 1-нчи МТС зонаси бўйича секретари.

Бўка районидаги Ленин номли колхозда янги клуб биноси қуриб ишга туширилди. Клубнинг тамошалар залига 300 киши сиғади. Бундан ташқари клуб ҳузурида 9 койкали меҳмонхона ҳам бор. Меҳмонхона ҳамма зарур инвентарьлар блан та'минланган. **Сурада:** колхозда қурилган янги клуб биноси.

М. Шевелев фотоси.

Кутубхоналар ишини ҳозирги талаблар даражасига кўтарайлик

(Редакцияга келган хатларга обзор)

Меҳнаткашларнинг маданий савиясини ошириш, кўнгилли дам олишларини уюштириш ва уларни коммунистик ахлоқ руҳида тарбиялашда кутубхоналар муҳим роль ўйнайдилар. Ўз ишини яхши ташкил этабилган, оммавий тадбирларни мунтазам равишда қизиқарли қилиб ўтказиб, ўз атрофига кўплаб китобхонларни жалб қилаолган кутубхоналар меҳнаткашларга маданий хизмат кўрсатишни тобора яхшиламоқдалар.

Жойлардаги кутубхоналарнинг фаолияти тўғрисида редакцияга кўплаб хатлар келмоқда. Чиноз районидан **С. Мўминов**нинг хабар қилишича Сталин номли колхоз кутубхонаси қишлоқ меҳнаткашларига яхши маданий хизмат кўрсатмоқда. Кутубхона колхоз правлениеси ва партия ташкилотининг ғамхўрлиги туфайли стол, стуллар ҳамда бошқа керакли инвентарьлар блан та'минланган. Унинг 4,5 минг дона китоб фонди ва юзлаб доимий китобхони бор. Яқинда кутубхонага яна 7100 сўмлик янги китоблар сотиб олинди. Колхозчилар ва қишлоқ ёшлари кутубхонадаги турли адабиётлардан унумли фойдаланмоқдалар. Бу ерда «Китоб — билим манба'и» деган темадаги конференция жуда қизиқарли ўтди. Конференцияда актив китобхонлар сўзга чиқиб, китобдан олган таассуротларини сўзлаб бердилар. Кутубхона учун шахмат-шашка, биллиард, домино сотиб олиш ва газета — журналларга обуна бўлиш учун колхоз правлениеси 4000 сўм пул ажратди.

Янгийўл район, Ниёзбоши қишлоқ советидаги Ленин номли колхоз кутубхонасига мактаб ўқучилари ва катта ёшдаги кишилар тез-тез келиб турадилар ҳамда янги китобларни олиб кетадилар. Кутубхонага газета ва журналларнинг янги сонлари мунтазам равишда келиб туради. Бу ҳақда хабар юборган **М. Мирҳидаятов**нинг ёзишича, кутубхонанинг 250 дан ортиқ доимий китобхони бор. Улар П. Турсунниинг «Ўқитучи», Э. Казакевичнинг «Одерда баҳор», Т. Семушкиннинг «Тоқ-қа қочган Алитет» ва бошқа романларни севиб ўқимоқдалар. Шунингдек, Оржоникидзе районидаги Сталин номли колхоз кутубхонаси ҳам қишлоқ меҳнаткашларига яхши хизмат кўрсатмоқда.

Брош кутубхоналарнинг ҳаммасида ҳам иш яхши ташкил қилинган, улар маданий-оммавий ишларнинг ҳақиқий марказига айлантирилган, деб бўлмайди.

Масалан, Янгийўл шаҳридаги область болалар кутубхонасида иш талабга жавоб берадиган даражада ташкил қилинмаган. Бу ҳақда ўртоқ **Д. Содиқов** юборган хабарда бундай дейилади:

— Область болалар кутубхонаси кичкина бир ҳонага жойлашган, китоблар тахланмасдан тартибсиз ҳолда ётипти. 12 минг сўмга пол учун тахта ва бошқа ремонт материаллари сотиб олинганига қарамай, кутубхона мудири ўртоқ Гаушеннинг совуққонлиги блан кутубхона учун ажратилган 3 та ҳона бирярим ойдан бери ремонт қилинмай ётипти. Кутубхона ходимлари ўз вазифаларини фақат болаларга китоб беришдан иборат деб билиб, ҳечқандай оммавий тадбирлар ўтказмаётирлар, деворий газета чиқарилмайди.

Ўртоқ **Ғ. Раззоқхўжаев**нинг хабар беришича, Калинин районидаги Сталин номли колхознинг Куйбишев участкасидаги кутубхонага ҳам нормал ишлаш учун қулай шароит яратиб берилмаган. Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти бу ишга бепарво муносабатда бўлмоқдалар. Кутубхона фондини янги китоблар ҳисобига бойитиш, ҳархил оммавий тадбирлар ўтказиш тўғрисида ҳечким ўйлаб кўрмайди. Бунинг устига кутубхона биносидан чойхона склади сифатида ҳам фойдаланилмоқда.

Ўртоқ **С. Йўлдошбоев** Чирчиқ шаҳридаги энергетиклар кутубхонаси ишчи, хизматчилар ва мактаб ўқучиларига қониқарли хизмат кўрсатмаётгани ҳақида хабар беради.

Вазифа жойлардаги кутубхоналар фаолиятини маданий-оқартув муассасалари олдига қўйилган ҳозирги юксак талаблар даражасига кўтаришдан иборат.

Оталиқдаги колхозга олимларнинг ёрдами

Ўртачирчиқ районидаги «Ленин йўли» колхози областимизда юқори ҳосилли колхозлардан ҳисобланади. Бу йил колхозда 1684 гектар ерга чигит экилди. Шундан 300 гектарига чигит квадрат-уялаб экилди. Ҳозир сифатли ишлов берилиб, 2 марта озиқлантирилган ғўзалар барқ уриб ривожланмоқда.

Бу колхозни Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг профессор-ўқитучилар коллективи оталиққа олган. Улар қишлоқ хўжалиги экинларидан мўл ҳосил етиштириш, колхоз экономикасини юксалтиришда колхозчиларга амалий ёрдам кўрсатиб келмоқдалар. Доцентлардан Тамошевский, Зауров ўртоқлар деҳқончилик соҳасида, ассистент Муфтаҳиддинов хўжаликни ташкил қилиш ишлари юзасидан, ассистент Раҳмонбердиев тутчилик бўйича колхозчилар блан ҳамкорликда ишламоқдалар.

С. АЛИМУҲАМЕДОВ.

МАКТАБЛАРНИ ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА ПУХТА ТАЙЁРЛАЙЛИК!

Мактаблар ремонтидаги ўзибўларчиликка барҳам берилсин

Ҳозир областимиздаги халқ маорифи ходимлари ва бутун жамоатчилик олдида мактабларни янги ўқув йилига ҳартарафлама пухта тайёрлаш, 1 сентябрьга ҳамма парсани тахт қилиб қўйиш каби мас'улиятли вазифа турипти. Бу ишнинг муваффақиятли бажарилиши халқ маорифи ходимлари ва бошқа ташкилотларнинг ташаббускорлигига боғлиқдир.

Ўртачирчиқ районидаги 15-нчи еттийиллик мактаб биноси Куйбишев номли колхоз правлениесининг актив ёрдами туфайли белгиланган муддатдан анча илгари ремонтдан чиқарилди. 60 та парта, 6 доска қайтадан тикланиб, яхшилаб краскаланди. Қиш мавсуми учун 13 тонна ўқимир ва 400 боғ ғўзапоя тайёрлаб қўйилди. Мактабга яна 45 тонна ўқимир келтирилади.

Айрим муваффақиятлар бўлишига қарамай, умуман район бўйича мактаблар ремонти яхши йўлга қўйилган деб бўлмайди. Ба'зи қишлоқ совети ва колхоз раҳбарлари халқ маорифи ишининг бу муҳим участкасига етарли э'тибор бермаётирлар. Улар мактаб ремонти учун ажратилган маблағларни беришни ўринсиз равишда орқага сурмоқдалар. Сталин номли колхознинг Киров участкасидаги 30-нчи, «Ленин йўли» колхозидаги 10-нчи мактабларда ремонт ҳалигача бошланмаган. 30-нчи мактабнинг ремонти учун оҳакдан бошқа ҳечқандай ремонт материали келтирилмаган. Мактаб директори коммунист ўртоқ М. Расулев ремонтни Хридонов деган шахсга топшириб қўйиб, ўзи бепарво юрибди. Мактабда на хўжалик мудири ва на ўқитучилардан бирон киши кўринмайди. Ремонт иши ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Ўртоқ Хридонов ремонт материаллари ўз вақтида етказиб берилмагани сабабли деворларни қириш ва унинг ба'зи ўйдим — чуқур ерларини суваш ишини 6 кунга чўзди. Мактабнинг томи бу йил қайтадан очиб ёпишга мухтож. Брош, бунинг учун ҳечқандай материал тайёрланмаган. Дераза ойналарининг ярмидан кўпи синиб етгани ҳолда, мактабга бир тахта ҳам ойна келтирилгани йўқ.

Район халқ маорифи бўлимига ремонтининг тугалланганлиги тўғрисида рапорт берилган 18-нчи еттийиллик мактаб ремонтида ҳам ҳали анчагина жиддий камчиликлар бор. Бу мактабнинг эшиги олдига зонтиқ қилинмаган, бино томининг кўпгина ери очиб қайта ёпилмаган. Бунинг учун камида 20 та шифер ва бир кубометр ёғоч, тахта талаб қилинади. Директорлик вазифасини вақтинча бажаручи ўртоқ Тен эса, бу зарур материалларни топиш тўғрисида қайғирмаётир. Мактаб ёнида қурилиши лозим бўлган пионерлар уйи ҳали ҳам бошланганги йўқ. Ўртоқ И. И. Ким директорлик қилаётган 14-нчи мактабда айниқса аҳвол ёмон. Бу мактабда ҳали ремонтга киришилганича йўқ. Ваҳоланки, мактаб биноси капитал ремонтга муҳтож. Биз мактаб директори ўртоқ Кимдан ремонт қачон бошланади деб сўрасак, у район маориф бўлими ремонт учун 4 минг сўм, Куйбишев номли колхоз правлениеси 3 минг сўм пул берганини айтди-ю, аммо ремонтни қачон бошлаш тўғрисида оғиз очмади. Ҳаммадан шуниси қизиқки, у берилган 7 минг сўмдан бир сўмини ҳам харж қилмасдан туриб, яна пул етишмайди деб нолийди. Агар ўртоқ Ким олдин пулни тўплаб, сўнг ремонтни бошлайман деб ўйлаётган бўлса, бу йилги ишни келгуси йилга қолиб кетиши ҳеч гап эмас. Чунки мактабдаги ремонт ишларининг ҳажми жуда катта бўлиб, кўп вақтни талаб қилади. Бирпина бўлар эмас, райондаги ремонт қилинаётган бошқа мактабларда ҳам юқоридаги камчиликларни учратиш мумкин.

Районда янги мактаб бинолари қуриш ишлари чидаб бўлмас даражада кечиктириб юборилмоқда. Иккинчи қурилишмонтаж бошқармасининг бу йил 2 қаватли ўрта мактаб биноси қуришга киришганига анча вақт бўлди. Ҳозир мактабнинг деворлари тикланди. Брош бошқа ишлар ниҳоятда суст бораётир. Иш ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Агар қурилиш сур'ати шу аҳволда борса, мактаб биносини 1-нчи сентябрьгача битказилиши шубҳа остида қолади.

Район партия, совет ташкилотлари, халқ маорифи бўлими юқорида қайд этилган камчиликларни тезда тугатиш чораларини кўришлари керак.

Т. ЙЎЛДОШЕВ.

Пухта тайёргарлик

Сталин районидаги Охунбобоев номли 45-нчи ўрта мактаб коллективи (директори ўртоқ Қобулова) янги ўқув йилига тайёргарлик ишларини қизитиб юборди. Ҳозиргача мактабнинг 15 синф хонаси, 6 та фан кабинети сифатли ремонт қилинди. Бундан ташқари, 15 та доска, 20 та стол, 25 та стул, 256 та парта тўла ремонтдан чиқарилди.

Шунингдек, ўқучиларни рўйхатга олиш ишлари ҳам қизитиб юборилди. Ўқитучилар коллективи ўқув ёшидаги 1000 га яқин болани тўла рўйхатга олди ва уларнинг янги ўқув йилида қайси синфларда ўқиши белгиланиб қўйилди. Бу ишда ўқитучилардан Убайдуллаев, Пардюрина, Расулева, Холиқов ўртоқлар актив иштирок этдилар.

О. САЙДАМИНОВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

„Сифатсиз нонлар ва бепарво раҳбарлар"

Газетанинг шу йил 16 июль сонида юқоридаги сарлавҳа остида чиққан материалда «Узбекхлебтрест»га қарашли 6-нчи нон заводи чиқараётган нонларнинг сифати пастлиги ва бунга завод ма'муриятининг э'тибор бермаётгани танқид қилинган эди.

Узбекистон ССР Озиқ-овқат моллари саноати министрининг ўринбосари ўртоқ Султоновнинг редакцияга хабар қилишича газета материали юзасидан текшириш ўтказилганда, унда келтирилган фактлар исботланган. Мақола ва текшириш натижалари завод умумий партия мажлисида муҳокама қилиниб, янги агрегатларни тўла ўзлаштириш, маҳсулот сифатини яхшилаш тадбирлари белгиланган. Министрлик нонинг сифатини тобора яхшилаб боришни «Узбекхлебтрест» ва 6-нчи нон заводи раҳбарларига топширган.

Комбинат касаба союз ташкилоти ва ишлабчиқариш

Сталин номидаги Чирчиқ электрохимия комбинати касаба союз ташкилотининг иш тажрибасидан

Комбинатнинг коллективи партия ва ҳукумат томонидан социалистик қишлоқ хўжалигимизга кўплаб минерал ўғит етказиб бериш тўғрисида қўйилган вазифани амалга ошириш учун курашиб, катта ютуқларни қўлга киритди. Олтойлик ишлабчиқариш плани муддатидан илгари бажарилди. Бу ютуқларни қўлга киритишда комбинат касаба союз комитетининг ҳам ҳиссаси катта бўлди.

СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ

КПСС Марказий Комитети Пленумининг «Саноатни янада юксалтириш, техникани янада тараққий этдириш ва ишлабчиқаришни ташкил этишни янада яхшилаш вазифалари тўғрисида»ги қарори блан қуролланган комбинат касаба союз комитети кенг меҳнаткашлар оммасининг бутун ижодий активлигини бир мақсад — минерал ўғитлар ишлабчиқаришда давлат планларини ошириб бажаришга сафарбар этиш учун социалистик мусобақани ташкил этишнинг ҳархил формаларини қўлламоқда. Касаба союз комитети ишида олинган мажбуриятларнинг бажарилишини ўз вақтида ва системали текшириб туриш, мусобақага якун ясаш, коллективнинг меҳнатидаги асосий факторларни ҳисобга олиш энг муҳим масалалардан бири бўлиб қолган.

Касаба союз комитети мусобақа натижаларини пухта текшириб, якка-якка мусобақада кимлар қандай ўринда эканлигини белгилайди.

Мусобақа натижаларини якунлаш ва ўринларни белгилаш вақтида касаба союз комитетининг мажлисига цех ташкилотларининг а'золари, ишчилар, инженер-техник ходимлар таклиф қилинади. Ба'зи пайтларда ишлабчиқариш-оммавий комиссиясининг текшириш натижаларини муҳокама қилиш вақтида қўшимча ўзгаришлар киритилади, ҳатто ўринлар ҳам бошқатдан белгилаб чиқилади. Мусобақа натижаларини мана шу тариқада, я'ни коллегиал равишда муҳокама қилиш яхши натижалар бермоқда, цехлараро мусобақани янада ривожлантириш учун қулай имкониятлар яратиб бермоқда.

У ёки бу цех коллективининг ишига баҳо бериш вақтида ишлабчиқариш кўрсаткичларигина ҳисобга олинмай, балки иқтисодий факторлар, рационализация ишлари, техника хавфсизлиги, ташкилий-техникавий тадбирларнинг амалга оширилиши, меҳнат интизоми ва бошқа кўрсаткичлар ҳам назарга олинади. Цехда меҳнат интизомининг бузилишига йўл қўйилса, у цехга классли ўрин берилмайди. Бу тадбир меҳнат интизомини мустаҳкамлашга ёрдам бермоқда.

Ишлабчиқаришда ҳамма цехларнинг иши бир-бирига боғлиқ. Улар ўртасида мусобақани яхши ташкил этиш учун қўйидаги метод қўлланилади: янги ой бошланиши олдидан комбинат дирекцияси ва касаба союз комитети мажбуриятларни муҳокама қилиш учун цех бошлиқларини йиғади. Цех бошлиқларига цехлараро мажбурият шартлари ўқиб берилади. Шу вақтда бошқа цехларнинг раҳбарлари у ёки бу цехнинг мажбуриятига қўшимча шартлар киритилишини тавсия қиладилар. Шундан сўнг цех раҳбарлари ўзгартишлар киритилган мажбуриятларни яна бир марта коллектив ўртасида муҳокама қиладилар.

Социалистик мусобақанинг ана шу тарзда уюштирилиши ижобий натижалар бермоқда. Шунинг учун корхонада давлат планлари ойдан-ойга бажарилиб, иқтисодий ва техникавий кўрсаткичлар тобора яхшиланиб бормоқда. Коллектив социалистик мусобақа асосида ишлаб, ярим йиллик планни муддатидан илгари 28 июньда тўла бажарди. Социалистик қишлоқ хўжалигимизга пландан ошириб юзларча тонна юқори сифатли минерал ўғит етказиб берилди.

ИЛҒОР ИШ МЕТОДЛАРИНИ ОММАЛАШТИРИШ

Комбинатнинг кўпгина новаторлари, ишлабчиқариш илғорлари КПСС Марказий Комитети Пленумининг социалистик саноатни янада ривожлантириш ҳақидаги қарорига жавобан ишлабчиқаришни такомиллаштириш, илғор техника ва технологиядан унумли фойдаланиш йўли блан меҳнат унумдорлигини тобора оширишга эришмоқдалар.

Синтез цехининг аппаратчиси, ҳозир илғор смена бошлиги Анна Маслованинг технология режимларини бир ме'ёрда олиб бориш тўғрисидаги ташаббуси комбинат ишчилари ва инженер-техник ходимларининг ижодий ҳамкорлиги асосида пайдо бўлиб, бу метод мамлакатимизнинг деярли барча химия корхоналарига кенг ёйилди. Комбинатда 454 ишчи Анна Маслова методи асосида ишламоқда.

Илғор аппаратчилардан Власова, Нуров, Боротина, Эгамбердиев, Бойқўзиев ва бошқа кўпгина ўртоқлар ўз ишида Анна Маслова методини қўлланиб, ярим йил мобайнида уларнинг ҳарбири 15—18 минг сўмлик хомаш'ё ва материалларни тежаб қолдилар. Илғор методларни оммаа ўртасида ёйиш ишлабчиқариш кўрсаткичларини тобора яхшилашга катта ёрдам бераётганлигини кўрсатади.

Илғор методларни оммалаштиришнинг янги формалари қўлланилмоқда. Илгари энг яхши новаторларнинг иш методлари, қўлланган янгиликлари техника совети томонидан ўрганиб чиқилар эди. Кейин махсус программа тузилиб, илғорлар мактабида ва бевосита иш жойларида ўрганилиб, сўнгра ёйиларди.

Брош, новатор қўлланган методларнинг ҳаммасини ўрганиб бўлиб, программа ишлабчиқилгунча цехларда янги, янада юқори меҳнат кўрсаткичларига эришган новаторлар етишиб чиқади. Шунинг учун илгари ўрганилган методни ташлаб янгисини текшириш зарур бўлиб қоларди. Бундай ҳол энг яхши метод ва тажрибаларни ўз вақтида ёйишга халақит берар эди.

Эндиликда касаба союз комитети ва техника совети ҳозир илғор методларни қуйидагича ўрганмоқдалар: айрим ишчининг ютуқлари текширилмай, балки бутун илғор смена ёки бригаданинг тажрибалари ўрганилади.

Ана шу смена ёки бригаданинг умумий ютуқлари ва ҳамма ишчилар томонидан алоҳида қўлланган методлар ўрганилиб, коллектив муваффақиятлари оммалаштирилади. Шу вақтда касаба союз комитети илғор бригадалар устидан назорат қилиб боради. Агар бирон смена ёки бригадада янада янги ютуқлар қўлга киритилса уларнинг методи дарҳол текширилиб, программага янги ўзгаришлар киритилади.

Ана шунинг учун илғорлар мактабидаги программа деярли ҳар ойда ўзгартириб туширилади, янги технология, тажриба ва усуллар ҳисобига бойитилади. Бу блан комбинат коллективи энг яхши тажрибани бир кун ҳам кечиктирмай, ўз ишида, участкасида қўлланиш имконига эга бўлмоқда.

Бундай метод ҳозир комбинатнинг ҳамма цехларида кенг қўлланилмоқда. Деярли ҳамма цехларда илғор тажрибаларни ўрганишга қаратилган доимий курслар, мактаблар ишлаб турипти. Социалистик мусобақа якунлари, ишлабчиқариш новаторларининг илғор методлари комбинатнинг «Азотчик» кўпгиражли газетасида системали равишда ёритилиб турилади, цехлардаги радиоточкалар орқали оммалаштирилади. Комбинат касаба союз комитети (раиси ўртоқ Заикин) илғор методларни оммалаштиришда ана шундай янги методларни жорий қилиши натижасида новаторлар сафи тобора кенгаймоқда.

ИШЧИЛАРНИНГ ЎҚУВИ

Илғор совет техникасидан тўла фойдаланиб, меҳнат унумдорлигини тобора ошириш, маҳсулот ишлабчиқаришни кўпайтириб бориш—ҳарбир дастгоҳ, аппарат, агрегатни нормал режимда бошқаришга, илғор методларни қўлланишга боғлиқ. Техникадан рационал фойдаланиб, илғор тажрибаларни қўлланиш эса, ишчиларнинг билимини тинмай ошириб боришни талаб этади. Чунки, техника қувватидан мумкин қадар унумли фойдаланишга билими кишиларгина эришаоладилар. Комбинат касаба союз комитети бу соҳага ҳам кўп э'тибор бермоқда. Ҳархил ўқувга ишчилар кўплаб жалб этилмоқда.

Масалан, бу йил комбинатнинг 1500 дан ортиқ ишчиси, хизматчиси ва техниклари ишчи-ёшлар мактаблари, мастерлар тайёрлаш техника мактаби, техникум, институтларда ўқимоқдалар. Улардан 21 киши 10-нчи синфни, 67 ишчи 7-нчи синфни а'ло баҳолар блан тамомладилар. Техникумда ўқиган 167 ишчидан эса 47 таси диплом ёқламоқда. Шунингдек 100 дан ортиқ киши институтларнинг сиртқи бўлимларида ўқимоқдалар.

Кейинги вақтларда комбинатнинг 150 ишчиси ишлабчиқаришдан ажралмаган ҳолда техникумни тамомлаб, цехларда раҳбарлик вазифаларида ишламоқда. Масалан, Барбешев, Буров каби ўртоқлар механик, бош электрик ва бошқа вазифаларни бажармоқдалар.

Корхонанинг мастерлар тайёрлаш техника мактаби — янги кадрлар тайёрлаш базасидир. Кейинги вақтлар ичида бу мактаб 150 дан ортиқ юқори малакали мутахассислар тайёрлаб чиқарди. Комбинатдагина эмас, ҳатто бутун шаҳарда шуҳрат қозонган мастер Ма'ди Носиров ҳам худди шу мактабдан етишиб чиқди.

Техника мактаби тобора кенгайтирилмоқда. Агар 1950 йилда бу ерда фақат иккита группа бўлган бўлса, ҳозир группаларнинг сони 10 га етди. Шунингдек, кейинги вақтда бу мактабда иккита ўзбек группаси ҳам ташкил этилди. Ҳозир уларда 20 дан ортиқ ўзбек йигитлари ўқиб, ўз техника билимларини оширмоқдалар. Техника мактабида ҳамма шароитлар яратиб берилган. Бу ерда катта тажрибага эга бўлган 22 инженер дарс бермоқда. Мактаб ўзининг техника, химия ва бошқа лабораторияларига эга.

Бу йил техника мактабини яна 150 ишчи тамомлаб чиқади. Уларнинг кўпчилиги комбинат цехларида мастер, технолог ва бошқа раҳбарлик ўринларида ишлайдилар. Бу йил ўқишга янада кўпроқ ишчиларни жалб этиш мақсадида техника мактаби янада кенгайтирилади.

КИШИЛАР ТЎҒРИСИДА ҒАМХЎРЛИК

Кўнгилли дам олиш, ишчиларнинг соғлиқларини мустаҳкамлаш — юқори меҳнат унумдорлигига эришишнинг гаровидир. Шунинг учун бу соҳа касаба союз комитетининг энг муҳим иш участкаларидан бири бўлиб қолган. Комбинат меҳнаткашлари ўзларининг меҳнат отпускалари, дам олиш кунларини жуда кўнгилли ўтказмоқдалар.

Бу йилнинг фақат олти ойи ичидагина комбинатнинг 300 дан ортиқ ишчиси дам олиш уйларида бўлдилар. Шу вақт ичида 120 киши эса марказий курорт ва санаторияларда бўлиб, дам олдилар ва шифоландилар.

Ҳозирги кунларда гишт заводининг мастери Долгов Луначарскдаги санаторияда, лаборант Загребельная Чим'ён курортида, химик Ковальчук Оқтошда, слесарь Аксиненко Қримдаги марказий курортда дам олмоқдалар.

Яқинда завод касаба союз комитети кечки ишчи-ёшлар мактабини тамомлаган 60 та ёш ишчига Қибрайдаги «ВЛКСМ X йиллиги» дам олиш уйига бориш учун путевкалар берди. Булар орасида 10-нчи синфни тамомлаган машинист Морозов, аппаратчи Бульгина, қуючи Султонов ва бошқа ўртоқлар бор.

Комбинат қошида тўрт йилдан бери кечки санатория ишлаб келмоқда. Бу ерда ҳар сменада 25—30 киши дам олади. Санаторияда тажрибали врач ва ҳамширалар ишчиларнинг соғлиги ва дам олиши устидан назорат қилиб турадилар. Санаторияда фақат ярим йил ичида 180 ишчи дам олди.

Кечки санатория ўзининг катта кутубхонасига эга. Бу ерда мингларча бадиий, техникага оид китоблар, брошюра, журналлар бор. Шунингдек, ҳар куни ҳархил газеталар, ўнларча журналлар олинади. Санаторияда ҳархил темаларда лекциялар ўқилади, тез-тез суҳбатлар ўтказиб турилади.

Касаба союз комитети йил охиригача яна бирнеча юз кишининг дам олиши учун дам олиш уйлари, санатория ва курортларга путевкалар сотиб олди. Комбинат меҳнаткашларининг кўнгилли дам олиб, катта ғайрат блан меҳнат қилиши учун ҳамма имкониятлар яратиб берилган.

И. САТТОРОВ.

ОКТЯБРЬ РАЙОНИДА МЎЛ ҲОСИЛ ЕТИШТИРИШ УЧУН БАРЧА ИМКОНИЯТЛАР БОР

Утган якшанба куни — 31 июльда «Тошкент ҳақиқати» газетасининг бир группа ходимлари Октябрь район колхозларида бўлиб, пахтакорлар ва механизаторларнинг иши блан танишдилар. Илгор колхозларнинг а'золари ва шу колхозларда ишлаётган механизаторлар КПСС Марказий Комитети июль Пленумининг қарорига жавобан фидокорона меҳнат қилиб, ҳосилга-ҳосил қўшиш ойлигини намунали ўтказиш учун курашмоқдалар.

Шу блан бирга, райондаги кўпчилик колхозларда кейинги кунларда ғўза парвариши анча сусайтириб юборилганлиги ма'лум бўлди. Биз қуйида шу тўғрида материал босаётирмиз.

Янгийўл ва Чиноз райони ўртасига жойлашган Октябрь районининг азамат пахтакорлари, фидокор механизаторлари КПСС Марказий Комитетининг қишлоқ хўжалигини кескин равишда юксалтириш тўғрисидаги қарорларидан илҳомланиб, пахтачиликни, чорвачиликни ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини янада ривожлантириш учун зўр ғайрат блан меҳнат қилмоқдалар. Район партия комитети, райкомнинг МТС зоналари бўйича инструкторлик группалари ва барча қишлоқ коммунистлари бу улуғвор вазифаларни муваффақиятли адо этишда қишлоқ меҳнаткашларига бошчилик қилмоқдалар ва бу соҳада уларнинг ўзлари шахсан намуна бўлмоқдалар.

Октябрь райони ўтган йили пахта тайёрлаш планини бажармаган бўлса ҳам лекин ҳосил етиштиришда юқори ҳосилли деб ҳисобланган 1953 йилги кўрсаткич даражасида давлатга пахта топшираолди. Аммо бу блан районда пахтачилик йил сайин юксалмоқда, деб бўлмайди. Агар район партия ва совет ташкилотларининг раҳбарлари, МТСларнинг коллективлари ўз қўлларидаги мавжуд имкониятлардан ва техникадан ҳозиргига қараганда ғўда ва унумлироқ фойдаланолсалар эди, ҳосил етиштиришда ўртача кўрсатгичлардан анча ўзиб кетган бўлар эдилар.

1954 йилда йўл қўйилган айрим хато ва камчиликларни бу йил районда яна такрорлашга йўл қўйилмади. Чунончи, бу йил колхозларнинг катта-катта майдонларига чигит янги, прогрессив усулда квадрат-уялаб экилди. Бу майдонларда ғўза парвариши икки томонлама ўтказилганлиги сабабли кўплаб меҳнат куни тежаб қолинди ва пахта таннархининг камайтирилиши соҳасида дастлабки муваффақиятга қадам қўйилди. Буни райондаги Сталин номли колхоз мисолида яққол кўриш мумкин. Утган йилларда қолоқ ва кам ҳосилли бўлган, районда бўладиган ҳарбир мажлисда аччиқ танқидга учрайдиган Сталин номли колхоз йил бошиданоқ илгор колхозлар қаторида тилга олинадиган бўлиб қолди. Бу муваффақиятга дала ишларига ишнинг кўзини билиб раҳбарлик қилинганлиги, механизациядан муваффақиятли фойдаланилганлиги, колхозчилар ва тракторчиларга моддий-маданий шароит тўла яратиб берилганлиги туфайли эришилдики, бу—ҳозирги кунларда, я'ни ҳосилга-ҳосил қўшилаётган ҳал қилучи лаврнинг дастлабки палласида ёрқин кўринмоқда. Колхозда механизацияни ишлатишга алоҳида аҳамият берилганлиги — ғўза қаторлари узунасига ҳамда кўндалангига ишланганлиги учун 6 ой давомида сметада белгиланганидан 39 мингта меҳнат куни кам сарфланди. Натижада колхоз правлениеси қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини ҳам, чунончи: чорвачилик ва сабзавотчиликни ривожлантириш ишига етарли аҳамият бераолди.

Райондаги илгор колхозлар даласида бўлсангиз, ғўзанинг аҳволи ўтган йилдаги шу вақтдагига қараганда анча яхшилигини кўриб қувонасиз. Аммо ана шу ғўзаларни ҳали парварини қилиш зарурки, бу—кузда муваффақиятга эришишда энг зарур гаравдир. Бу йил райондаги бирқанча бригада ва звенолар илгорлар ташаббусини қўллаб-қувватлаб юз центнерчилик ҳаракатига қўшилдилар ва бу йўлда ҳормайтолмай меҳнат қилмоқдалар. Илгор звено ва бригадаларнинг а'золари партиямизнинг шонли XX с'ездига муносиб совға тайёрлаш — ҳар гектар ердан 40—50 центнердан ҳосил етиштириш учун ўзаро социалистик мусобақа байроғини баланд кўтарган ҳолда пахта далаларида ғайрат блан меҳнат қилмоқдалар.

Мўл ҳосил етиштиришда илгорлар блан бир қаторда орқада қолаётган, пахтадан мўл ҳосил етиштириш учун сиддиқиллик блан курашмаётган колхозлар, бригада ва звенолар ҳам борки, бу албатта ачинарлидир. Барча имконият, техника ресурслари, сув ва ўғит етарли бўлишига қарамай, ғўзасини ёмон ривожлантирайётган, кам ҳосил олдираётган қолоқ бригаларни ҳам кўрдик. Улар ҳарқандай баҳоналарни рўкач қилиб бу блан ўзларининг ношудликларини, яқовликларини, бегамликларини яширмоқчи бўладилар.

Сталин номли колхоз ҳали бир йил бўлмасданоқ, меҳнатни ташкил қилишда, механизациядан фойдаланишда, колхозчиларга аванс беришда, оммавий ишларни ташкил қилишда бирмунча муваффақиятга эришган экан, нима учун шу колхоз блан қўшни бўлган Ленин номли, Хрушчев номли, Андреев номли колхозларнинг раҳбарлари ҳам ана шундай муваффақиятларни қўлга киритиш учун ҳудабурроллик блан иш кўрмайдилар?! Нима учун район раҳбарлари, район партия комитетининг МТС зоналари бўйича инструкторлик группалари айрим муваффақиятлар блан қаноатланиб, умумий юксалишга эришиш учун чинакамига кураш олиб бормайдилар?!

Бу саволларга жавоб олмоқ учун райондаги бирқанча колхозларда бўлдик. Ҳақиқий аҳвол шуни кўрсатдики, ҳали кўпгина колхозларнинг раҳбарлари, агрономлар, МТС раҳбарлари қишлоқ хўжалигига қонқарли раҳбарлик қилмаётирлар. Ҳосилга-ҳосил қўшишнинг қизғин даври бошланган ҳозирги пайтда қайсибир колхозга борманг давлат агрономларини учратаолмайсиз, «универсал»ларни далада кўрмайсиз...

КЎРИНМАС АГРОНОМЛАР, ЎТ БОСГАН ҒЎЗАЛАР

Октябрь районидаги кўпгина колхозларнинг ерлари табиий тузилиши жиҳатдан пасти-баландликлардан, тошлоқ-сойликлардан иборатки, бу ерларда агротехника қоидаларини табақалаб амалга ошириш, ҳарбир ишни ўша ернинг шароитига қараб ўтказиш талаб этилади. Бу соҳада колхозларнинг ва МТСдан келган давлат агрономларининг роли ғоят каттадир. Бироқ шу нарса ачинарлики, колхозлардаги агрономлар партия, ҳукумат томонидан қўйилган ана шу талабга муносиб ишламаётирлар. Хрушчев номли колхоздаги давлат агрономи Тимофей Диденко айни қизғин паллада отпускага кетиб қолган. Ваҳоланки, ҳозирги паллада ҳарбир колхозчи, механизатор агрономнинг маслаҳатига муҳтож, у блан маслаҳатлашиб зарур масалаларни амалга оширгуси, йўл-йўриқ сўрагуси келади. Худди шундай ҳолни Андреев номли, Охунбобоев номли колхозларда ҳам учратдик. Бу колхозларнинг раҳбарлари агрономларнинг пассивликларидан, ишда кам ёрдам бераётганликларидан ҳаққоний равишда шикоят қиладилар.

Охунбобоев номли колхозда агротехника қоидалари қисман бузилаётганлиги сабабли анча майдондаги ғўза қишлоқ хўжалиги хашаротлари блан зарарланган. Аммо колхоздаги агроном ва химизаторлар унга мутлақо э'тибор бермаганлар. Биз район партия комитетининг секретари Жданов, райкомнинг МТС зонаси бўйича секретари Тўрабеков, колхоз раиси Имомов ўртоқлар блан бирга катта мактаб ёнидаги пахтазорни кўздан кечирдик. Бу ерда шу нарса аниқландики, пахта ерининг атрофи ёввойи ўтлардан тозаланмаган, қишлоқ хўжалик зараркунандалари эса ана шу ерда уриб, ғўзаларга тарқалган. Ғўзага тушган ўргимчаккана орадан бир неча кун ўтгач, я'ни ғўза япроқлари тўкилабошлагач сезиб қолинган. Кечикиб кўрилган тадбир яхши натижа бермаган. Ҳозир бу ердардаги ғўзалар шона ва гулларини ташлаб юборган.

Шу ерда колхоз ва район раҳбарлари блан характерли суҳбат бўлиб ўтди:

— Дала атрофидаги ўтлар тозаланганда хашоратлар тарқамас эди, деганимизда ўртоқ Жданов:

— Ёввойи ўт бўлганлиги учун ҳашарот тарқайди, деган гап бўлмогур гап. Бу ерга қишлоқ яқин, бунинг устига МТС ўз тракторларини кўпинча шу ерда ремонт қилади. Шунинг учун ғўзаларга ҳашарот тушмоқда...

Андреев номли колхознинг ба'зи участкаларида ғўзадан ғумай баланд...

Район партия комитети секретарининг бу гапи колхоз раиси ўртоқ Имомовга ҳам ёқмади шекилли, у:

— Шундайку-я, дала атрофидаги ўтларни тозаламай ёмон иш қилганмиз, деб қўйди.

Район партия комитетининг секретари юзига қизиллик югурди. У ҳижолатдан чиқмоқчи бўлди шекилли, қишлоқдан узоқдаги далаларимизда сра ҳам ўргумчаккана, тополмайсиз, деб ўзи ҳам ғалати оҳангда кулиб қўйди.

Очиғини айтиш керакки, айниқса шу Охунбобоев номли колхозда хашаротга қарши кураш қониқарсиз уюштирилган. Колхоздаги химизаторлар — Ғанибой Йўлдошев, Муҳаммаджон Ғафуров ўртоқлар ўз вазифаларини жуда ёмон бажармоқдалар. Улар ОДН ва қўл ашаратларидан мақсадга мувофиқ фойдаланишда нўноқлик қилиб қолмоқдалар. Ҳашарот тушган ерларни ўз вақтида аниқламай, бир ишнинг икки иш бўлишига сабаб бўлмоқдалар.

Агрономлар колхоз правлениеларига яқиндан ёрдам бермаётганликлари, демак ўз вазифаларини виждонан бажармаётганликлари учун районда ана шундай аҳвол рўй бермоқда. Пахтазорларда ғумай ва нечажнинг ўсиб кетганлиги ва ёввойи ўтлар юлиб ташланмаганлиги кишини газаблантиради. Ахир ана шу ёввойи ўтлар тагида яхши ривожланмаётган, кўсагини кўпайтираолмаётган ғўзалар кузга бориб, юзни ерга қаратиб қўймайдими?! Колхозчи ва механизатор пешона тери тўкиб ўстирган ана шу ғўза ҳозирга келиб ўт орасида қисилиб қолган бўлса ,ахир бу зарар эмасми?! Гап ва ҳаракат ҳосил тўплаш тўғрисида бораётган экан, нима учун агрономлар иш тепасида туриб колхозчи ва механизаторга ўз билими, тажрибаси блан ёрдам бермайди?! Нима учун улар мўл ҳосил тақдири ҳал қилинаётган ана шу кунларда ўзларини четга олмоқдалар?! Нима учун улар худди шу паллада колхоз правлениелари ҳамда партия ташкилотлари блан ҳамжиҳатликда ишлаб, Ватан ва халқ олдидаги муқаддас бурчларини бажариш учун жон ачитиб курашмаётирлар? Пахта МТСининг бош агрономи Василий Кощев ўзи колхозларга камдан-кам бораётгани етмагандек, агрономлар ишни устидан раҳбарлик қилишни ҳам қониқарсиз бажармоқда. У, Хрушчев номли колхозга бир ойдан бери келмаган.

Агар район колхозларидаги агрономлар бундан кейин ҳам фаолиятсизлик кўрсатаберсалар, ҳосилга-ҳосил қўшиш ойлиги муваффақиятсизлик блан ўтказилади-ки, бу — пахтадан мўл ҳосил етиштиришга путур етказиши мумкин.

Районда пахтачиликни ривожлантиришда жон-дили блан курашаётган кексайиб қолганига қарамай елкасидан кетмон тушмаган нуроний деҳқонлар бор, уларнинг баракали меҳнати қувонарлидир. Андреев номли колхознинг 70 ёшли а'зоси Бегмат ота Жалиловни далада, ғўзаларга сув тараётган вақтда учратдик. У бошлиқ звено бу йил гектаридан 35 центнердан ҳосил етиштириш учун курашмоқда.

Колхоз раиси Одил Эрматов блан қаторлар оралаб ғўза тупларидаги кўсакларни санаб кўрдик. Ҳар туп ғўзада 6—7 тадан кўсак, шулардан 2—3 таси сентябрь ойи давомида очилади. Бу манзарани кўрган, раис отага қараб:

— 35 центнердан бемалол бераоласиз ота, деди. Шунда кекса пахтакор раис сўзини бўлди:

— Ҳали кўнглимдаги ҳосил етишгани йўқ ўғлим. Қанақа ҳосил олиниши мана шу август ойидаги ишимизга боғлиқ. Звено а'золари блан маслаҳатлашдим, ғўзамизни яна иккй марта парвариш қиламиз. Токи, ҳарбир туп ғўзада 10—15 тадан кўсак бўлмагунча, шундан битта — иккитаси очилмагунча қўлдан кетмонни қўймаймиз...

Сўзи блан иши ўртасида фарқ бўлмайдиган кекса деҳқон Бекмат ота ана шу гапларни айтида, сув қўйилган қаторларни кўздан кечириш учун яна ўқ ариқ бўйлаб юриб кетди.

Октябрь районида ана шундай ўз ишига жон куяр, уста пахтакорлар кўплаб топилади. Агар уларнинг тажрибаси барча колхозларда кенг амалга оширилса, пахтачиликдаги тажриба, агротехника фани кўрсатмалари блан маҳкам боғлаб олиб борилса, ҳосилнинг мўл бўлиши аниқ!

СУВ ИСРОФ ҚИЛИНМОҚДА, ЧЕКАНКА КЕЧИКТИРИЛМОҚДА

Октябрь райони шароитида ғўзани суғориш айниқса мураккаб иш. Ғўзани ортиқча суғориб юборишлик ёки уни қондириб суғормаслик ҳосилнинг кўпайишига путур етказади. Шунга қарамай айрим колхозларда суғориш қоидалари бузилмоқда. Молотов номли колхознинг биринчи бригадасида 14 гектарли ерга катта ариқдан сув олинади. Шу пайкалнинг этак томонида 2 гектар ер сер шағал ва бирмунча дўнг бўлганлиги сабабли сув равон оқмайди. Шунинг учун ҳам ана шу жойларда ғўза анча сийрак бўлиб қолган, бор ғўзаларнинг ҳам бўйи паст, қовжираб ётипти. Аммо ундан юқорироқда, я'ни картанинг энг кўп қисмида ғўза кўп сув ичганлиги туфайли говлаб кетган. Бироқ бу ердаги ғўзалар бўйчан бўлганлиги блан уларда ҳосил шоҳи ҳам, кўсак ҳам анча кам. Бир далада икки хил манзарининг қандай содир бўлганлиги сабабини сўраганимизда бригада бошлиги мужмал жавоб берди. У еримиз текис бўлмаганлиги сабабли ғўзамиз шунақа пастибаланд бўлиб қолди, дейди...

Агар мўл ҳосил етиштиришга астойдил бел боғланганда ва бу йўлда фидокорлик блан курашилганда эди, ғўзалар ола-була бўлиб қолмас эди. Шуни айтиш керакки, ҳали йўл қўйилган камчиликларни тузатиш, я'ни мўл ҳосил етиштириш учун вақт ҳам, шароит ҳам бор. Гап ана шу вақтнинг ҳарбир минутидан тўла ва унумли фойдаланиш, барча имкониятларни тўла сафарбар этишдадир.

Ғўзаларнинг хилма-хил суғорилиши Хрушчев номли, Киров номли, Ленин номли ва бошқа колхозларда ҳам учрайди. Бу колхозларда ҳам ернинг табиий тузилишига тўла э'тибор қилинмайди. Айрим пайкаллардаги ғўзалар кўллатиб қўйилган бўлса, ба'зибир далалардаги ғўзалар эса чанқаб ётипти.

Колхоз раислари, ҳатто район раҳбарлари сўнгги кунларда бош ариқда сувнинг кўпайганига қарамай, ҳамон сув «камлиги»дан шикоят қилмоқдалар.

Андреев номли колхоз раисини йўлда, Жўнариқ бўйида учратдик. У, колхоз ҳосилот советининг раиси ва сув техниги блан марказий қулоқларни текшириб юрган экан. Ўртоқ Эрматов сув камлиги тўғрисида бундан бир ҳафта илгари қандай

Охунбобоев номли колхозда сувдан ана шундай фойдаланилмоқда...

Н. Меламед фотоси.

фикрда бўлса, ҳамон шу сўзини такрорлар эди. Биз колхозга сув борадиган иккита марказий қулоқни биргаликда текшириб кўрдик. Ма'лум бўлдики, ҳар иккала қулоқдан ҳам нормада белгиланган сув кетаётган экан. Шунда колхоз раиси сўзни бошқа ёққа бурди:

— Ерларимиз пасти-баландликлардан иборат, сув ғўзага етгунча ерга сингиб кетиб қолади. Бизга нормадан ортиқча сув берилиши керак...

Раиснинг бу ўринсиз да'воси ҳечкимни ҳам қаноатлантирмади. Ваҳоланки, худди шу колхознинг айрим бригадаларида, масалан Охунбобоев номли колхоз блан қўшни бўлган бригадаларида сув исроф бўлиб, кўчаларга тошиб ётипти.

Чеканка — ҳосилни оширишда энг муҳим шартлардан биридир. Ёз бўйи қилинган меҳнатнинг зойи кетмаслиги учун пахтакорларимиз ғўзанинг учини чилпиб ташлайдилар. Чеканка қилинган ғўза бўйига эмас, ҳосилга зўр беради. Ана шу вазифанинг бажарилиши райондаги ба'зи бир колхозларда талабга жавоб бермайди. Охунбобоев номли колхознинг 570 гектар ердаги ғўзаси чеканка бош бўлса ҳам, энди шундан 100 гектари чеканка қилинипти. Ахир колхоз раҳбарлари чеканканинг кечикиши ҳосилга зарар етказишини яхши биладилар-ку, хўш шундай экан, нега улар ғўзаларни ўз вақтида чеканка қилишга етарли аҳамият бермаётирлар?!

Шундай вақт келдики, ҳарбир колхозда дала ишларининг бошқа турларини намунали ўтказиш блан чеканкани ҳам белгиланган вақтда тугалланишига, ғўза тупларида ҳосилнинг кўпайишига эришиш учун астойдил курашмоқ керак.

Чеканкани барча колхозларда кучайтириб юбориш, бу ишга кексалар ва хотин-қизларни тўла сафарбар этиш зарур. Чеканкани табақалаб ўтказиш, ён шохларини ҳам албатта чеканка қилиш лозим. Ҳали 14 — 16 тадан шох чиқармаган ғўзаларни чеканка қилиш керак эмас. Бу соҳада ҳам агрономлар йўл-йўриқ кўрсатучи бўлишлари, чеканканинг талабга мувофиқ ўтказилиши юзасидан изчиллик блан иш олиб боришлари зарур.

ДАЛА ШИЙПОНЛАРИ ҚОҒОЗДА БОР, АМАЛДА ЙЎҚ

Ма'лумки, пахтадан мўл ҳосил етиштиришда колхозчилар ўртасида олиб бориладиган оммавий-сиёсий ишлар катта аҳамиятга эгадир. Шуни қарамай агитация-пропаганда ишлари ҳозирги куннинг талабига жавоб беролмайди. Бу ерда дала шийпонларини жиҳозлаш ва уларни оммавий-сиёсий ишларнинг марказига айлантириш тўғрисида кўп гапирадилар, жуда кўп қарорлар чиқарилади. Лекин омма ўртасида сиёсий-тарбиявий ишлар яхши йўлга қўйилмай келади.

Хрушчев номли колхознинг 5-нчи бригадасида дала шийпони йўқ. Колхоз бошлангич партия ташкилотининг секретари Ўртоқ Маҳсудов:

— Бу бригаданинг а'золари 1-нчи бригаданинг дала шийпонида дам оладилар. У ер жуда яхшилаб безатилган, дейди.

Биз 1-нчи бригаданинг дала шийпонига бордик. Бу бригаданинг шийпони ҳам жиҳозланмаган. Шиорлар-плакатлар кўринмайди. «Жанговар варақа» чиқарилмайди. Социалистик мажбуриятларнинг бажарилишини кўрсатучи жадваллар, кўрсаткич тахталар йўқ. Шийпоннинг атрофи тозаланмаган. Бу ерда 15 — 20 кун дан буён ҳеч ким бўлмаганлиги ва ҳечқандай оммавий-сиёсий иш олиб борилмаётганлиги ўз-ўзидан кўриниб турипти.

Ўртоқ Маҳсудов эса бригадалардаги ҳақиқий аҳволни билмай, агитаторлар тайинлаш блан тинчланиб, ўз-ўзини юпатиб юрипти. Агитаторлар эса колхозчиларга газета ва журналлар ўқиб бермайдилар, суҳбат ўткаямайдилар. 9-нчи бригаданинг шийпони бир қадар безатилган бўлса ҳам, лекин бу ерга тайинланган агитатор Жўраев ҳечқандай оммавий-сиёсий иш олиб бормайди.

Дала иши қизғин бораётган ҳозирги вақтда партия ташкилотлари колхозчи ва механизаторлар ўртасида агитация-пропаганда ишларини мунтазам олиб боришлари керак эди. Бироқ, Хрушчев номли колхозда гина эмас, бошқа колхозларда ҳам оммавий-сиёсий ишлар жуда бўш олиб борилмоқда. Киров номли колхозда (раиси ўртоқ Хроколов, партия ташкилотининг секретари А. Хван) келтирилган газеталар тарқатилмай колхоз правлениесида тахланиб ётипти. Бу ерда дурустроқ жиҳозланган бирорта дала шийпонини кўрмадик. Коммунист ўртоқ Мун Ен Фам бошчилик қилаётган бригаданинг дала шийпонида бўлдик. Бригада а'золаридан 10 га яқин киши дам олиб ўтирипти. Шийпонда газета-журналлар, радиоприёмник йўқ. Шийпонда иссиқ овқат пишириш у ёқда турсин, ҳатто қайнаган сув ҳам топилмайди.

Маленков номли, Андреев номли, Охунбобоев номли колхозларда ҳам оммавий-сиёсий ишлар яхши ташкил этилган эмас. Социалистик мусобақа шартномалари семинар учун тузиб қўйилган, мусобақа натижалари якунланмайди. Оммавий-сиёсий ишларнинг бўшлиги туфайли кўпгина колхозларда меҳнат интизоми бўшашиб кетган, ҳатто дала ишига қатнашмаётган колхозчилар ҳам кўп. Район партия комитетининг пропаганда ва агитация бўлими, инструкторлик группалари колхозчи ва механизаторлар ўртасида оммавий-сиёсий ишларни кучайтиришга етарли э'тибор бермаётирлар. Ҳолбуки, ҳосилга-ҳосил қўшиш ойи ҳисобланган август ойида колхозчилар ўртасида оммавий-сиёсий ишларни кучайтириш ғўза парвариши сур'атини оширишда муҳим факторлардан биридир.

* * *

Октябрь районида пахтадан мўл ҳосил олиш учун, чорвачиликни ривожлантириш ва унинг маҳсулдорлигини ошириш учун барча имкониятлар бор. Район партия ва совет ташкилотларининг раҳбарлари ҳозирги ҳато ва камчиликларни тезда тузатиб, ғўза парваришини барча колхозларда янада кучайтириб юборсалар бу соҳада агрономлар ва пахтакорларни самарали ишлашга тўла сафарбар этсалар албатта мўл ҳосил таминланади.

Октябрь район пахтакорлари ва механизаторлари чиноллилар блан пахтадан ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштириш учун мусобақалашаётган эканлар, ҳозирги кунларда ғайратга-ғайрат қўшиб ишлашлари, ҳарбир ишни белгиланган муддатда, юқори сифатли қилиб бажаришга эришишлари лозим.

Район партия комитети (секретари Ўртоқ Муҳамедов), район ижроия комитети (раиси Ўртоқ Тожиев) бутун куч ва воситаларни ҳосилга-ҳосил қўшиш ойлигини муваффақиятли ўтказишга, ғўза парваришини намунали уюштиришга сафарбар этишлари, МТС зоналаридаги инструкторлик группалари сиёсий ва оммавий ишларни кучайтиришга алоҳида э'тибор беришлари, бу соҳада ҳозиргача йўл қўйиб келинган камчиликларни тезда бартараф қилишлари керак. Ана шундагина ҳосилга-ҳосил қўшиш ойи муваффақиятли ўтказилади, ҳарбир туп ғўзада социалистик мажбуриятга яраша мўл ҳосил етиштирилган бўлади.

Қизил байроқли колхозда

Қорасув районидаги Максим Горький номли колхоз а'золари шаҳар аҳолисини картошка ва сабзавот маҳсулотлари блан та'минлаш учун шу кунларда эўр ташаббус кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар.

— Колхозимиз бу йил 459 гектар ерга картошка ва сабзавот экинлари эккан, — дейди правление раиси ўртоқ Абдуразоқ Абдуқодиров, — эртаги экинларнинг ҳосилини йиғиштирабошладик. Давлат мажбуриятига 18 тонна ўрнига 25 тоннакарам топширдик. Тошкент аҳолиси учун колхоз дўконларига бирнеча ўнлаб тонна помидор, болдринг ва пиёз маҳсулотлари туширдик. Эртаги экинлардан бўшаган ерларга кеши экинлар экиш ишлари ҳам тугалланмоқда.

Колхоз а'золари сабзавот экинлари ва картошка етиштириш блан бир қаторда, пиллачиликда ҳам яхши натижаларни қўлга киритмоқдалар. Бу йил колхозда 34 қути қурт уруғи боқилиб, ҳар қути уруғдан ўрта ҳисобда 65 килограммдан юқори сортли пилла ҳосили йиғиб олинди ва давлат плани 112 процент қилиб бажарилди. Пилла қурти боқишда ўртоқ Соня Сойибова бошлиқ звено а'золари, айниқса катта муваффақиятга эришдилар. Улар ўз зиммаларига олган мажбуриятларини 156 процент бажариб, 6 қути уруғнинг ҳарбиридан 82,5 килограммдан пилла топширдилар. Шунинг учун ўртоқ С. Сойибова звеноси келгуси йилда Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасига қатнашиш ҳуқуқини олди.

Ҳозир колхознинг чорвачилик фермасида 61 бош соғин сигир, 400 дан ортиқ қўй ва 60 га яқин чўчқа бор. Колхоз а'золари ёзнинг ғанимат кунларидан унумли фойдаланиб, чорва моллларининг қишлови учун етарли ем-хашак тайёрлаш ишларини қизитиб юбордилар. Паркент райони территориясидан колхозга ажратиб берилган 400 гектар ердаги беда ва пичан ўз вақтида ўриб олиначётир. Колхоз территориясидаги 120 гектар беда эса икки марта ўрилди.

Мустаҳкам ем-хашак базаси яратишда маккажўҳоридан силос бостириш муҳим аҳамиятга эгалир. Шунинг учун ҳам колхоз а'золари бу йил 30 гектар ерга квадрат-уялаб маккажўҳори экдилар, ҳозир у яхши парвариш қилинаётир. Экилган маккажўҳорининг ҳарбир тупида 4 тагача сўта кўриш мумкин. Ҳозир силос бостириш учун 3 та иншоот тайёрланди. Буларнинг ҳарбирига 150 тоннадан силос босиш мумкин.

Шуни ҳам айтиш керакки, Максим Горький номли колхоз кўп йилдан бери райондаги энг қолоқ колхозлардан бири бўлиб, ўз зиммасига олган мажбуриятларни бажараолмай келар эди. Колхозчиларнинг фидокорона меҳнати ва МТС ёрдами блан колхоз ўз хўжалигини тиклаб олди, илгор колхоз даражасига кўтарилди.

Яқинда, район колхозлари активларининг умумий йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда давлатга маҳсулот топширишда яхши натижаларга эришаётган, экинларни а'ло даражада парвариш қилаётган ва пилла топширишнинг планини 112 процент қилиб адо этган бу колхозга район партия комитети ва ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғи топширилди. Колхоз а'золари қўлга киритилган муваффақиятларини янада мустаҳкамлаш йўлида астойдил курашмоқдалар.

М. АҲМЕДОВ,
А. АЛИЕВ.

ЧОРВА ҚИШЛОВИ УЧУН МУСТАҲКАМ ЕМ-ХАШАК БАЗАСИ ЯРАТАЙЛИК

Силос бостириш кучайтирилаётир

ЎРТАЧИРЧИҚ, («Тошкент ҳақиқати» мухбиридан). 1-нчи МТС зонасидаги колхозлар чорва моллари қишловига намунали тайёрланиш ва уларнинг маҳсулдорлигини янада ошириш учун ем-хашак базасини мустаҳкамлашга катта э'тибор бермоқдалар. Колхозлар бу йил 4890 тонна силос бостиришлари, шу жумладан 970 тонна маккажўхори сўтасини силос қилишлари керак. Бунинг учун 96 та чуқурлар тайёрланмоқда. Булардан 60 процентдан кўпроги тайёр бўлди.

КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг қарорини бажариш учун курашаётган Карл Маркс номли колхоз а'золари чорва моллари учун ем-хашак тайёрлаш, айниқса силос бостиришга пухта тайёргарлик кўрди. Колхоз мўлжалланган 343 тонна силосдан ҳозир 3 та траншеяга 120 тонна силос бостирди. Силос маккажўхори ва қамиш кўкидан аралаштириб тайёрланди.

«Ленин йўли» колхози қўлда боқилаётган сигирлар учун 745 тонна силос бостиришни планлаштирди. Колхоз биринчилар каторяда 30 тонна силос тайёрлаб қўйди. Ворошилов номли колхозда силос учун экилган маккажўхорилар яхши парвариш қилинганидан нормал ривожланиб, ҳосили мўл бўлмоқда. Бу колхозда ҳам силос қилиш қизғин давом этмоқда.

МТС колхозларга силос бостириш планини бажаришга яқиндан ёрдам бермоқда. МТС механиги ўртоқ В. Будаков эски комбайн рамига маккажўхори ва қамишни силос учун қирқадиган агрегат ўрнатди. Агрегат синоқдан яхши натижа блан ўтди. Шунингдек, механик ўртоқ Г. Сучнов кўпсак чувийлиган машинани силос қирқишга мослаштирди. Бу машиналар колхозларда маккажўхори ва бошқа ўтларни қирқиб, иш сур'атини тезлатишда енгиллик бермоқда.

Хашак тўплаш, силос босиш авж олдирилмоқда

Чиноз районидаги Сталин номли колхоз кўп тармоқли қишлоқ хўжалик артельларидан биридир. Колхозда пахтачилик блан бир қаторда чорвачиликни ривожлантириш ишига ҳам алоҳида э'тибор берилмоқда, мўл-кўл ем-хашак базасини вужудга келтириш учун курашилмоқда.

Колхозда (правление раиси Мун, партия ташкилотининг секретари Р. Мурадов) ана шу мақсад блан бу йил 162 гектар ерга арпа, 200 гектар ерга янги беда, 20 гектар ерга маккажўхори ва 30 гектар ерга хашакки лавлаги, ошковоқ, тарвуз ва бошқа экинлар экилди. Ҳозир алоҳида хашак тўплаш бригадаси ташкил этилиб, ишчи кучи, от-арава ва хашак ўриш-йиғиш асбобдари блан та'мин этилган. Бу бригада шу кунгача 250 гектардан ортиқ ердаги бедани икки марта ўриб олди ва чорва қишлови ёнига ташиб келтирди. Ҳозир беданинг учинчи ўримига қизғин тайёрлик олиб борилмоқда.

Колхоз а'золари бу йил 1500 тонна силос босишга аҳд қилганлар. Бунинг учун 5 та 250 тонналик силос босиш ҳовузлари ҳозирланди. Ҳозир 4 машина ва 12 арава силос чуқурлари ёнига беда ва бошқа ширали ўтларни пешма-пеш ташиб келтирмоқда. Бу вазифани бажаришда сенокосилкачи Котиб, аравакаш Жониқул Исақов, тўпловчи М. Раҳмонов, Имомов ва бошқа ўртоқлар фидокорона меҳнат қилиб, кундалик топширикни 2-3 ҳисса бажармоқдалар. Уларнинг ташаббуси блан 10 кунда 700 тоннадан ортиқ силос тайёрланди.

Силос босишда Чиноз МТСининг колхозларида хизмат қилаётган механизаторлардан Жониқул Исломов ва Мирза Ортиқовлар ўз агрегатларининг унумли ишлашига эришиб, колхозчиларга яқиндан ёрдам бераётирлар.

З. РАҲМОНОВ.

ОБЛАСТЬ КОЛХОЗЛАРИДА СИЛОС ИНШООТЛАРИ ҚУРИШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1955 ЙИЛ 31 ИЮЛЬГАЧА БЎЛГАН

М А' Л У М О Т

(процент ҳисобида)

Районларнинг номи	Планнинг бажарилиши	Районларнинг номи	Планнинг бажарилиши
Оққўрғон	100,6	Гулистон	36,0
Калинин	92,3	Оҳангарон	34,0
Бўка	87,6	Қуйичирчиқ	32,0
Янгийўл	68,8	Сирдар'ё	31,0
Ўртасарой	60,0	Қорасув	29,5
Ўртачирчиқ	50,0	Паркент	27,5
Тошкент	50,0	Чиноз	26,6
Бекобод	47,6	Ховос	23,6
Пискент	42,8	Юқоричирчиқ	23,2
Оржоникидзе	41,6	Верхне-волинск	17,0
Боёвут	36,6	Мирзачўл	14,8
Октябрь	36,2	Жам'и	43,7

ОБЛАСТЬ КОЛХОЗЛАРИДА СИЛОСЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1955 йил 31 июльгача бўлган

М А' Л У М О Т

(процент ҳисоби блан)

Районларнинг номи	Планнинг бажарилиши	Районларнинг номи	Планнинг бажарилиши
Оққўрғон	50,5	Калинин	6,6
Янгийўл	17,4	Пискент	5,9
Қуйичирчиқ	16,4	Бекобод	4,6
Оржоникидзе	13,8	Оҳангарон	4,4
Бўка	13,6	Боёвут	3,5
Ўртасарой	13,2	Мирзачўл	2,9
Сирдар'ё	12,6	Паркент	2,7
Октябрь	11,7	Қорасув	2,0
Ўртачирчиқ	10,9	Ховос	1,6
Юқоричирчиқ	9,8	Верхне-волинск	0,7
Чиноз	9,4	Тошкент	0,4
Гулистон	9,3	Жам'и	8,9

В. М. Молотов Корея Халқ-Демократик Республикасининг СССРдаги Элчиси Ли Сан Чони қабул қилди

Корея Халқ-Демократик Республикасининг СССРдаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Ли Сан Чо СССР Олий Совети Президиумининг Раисига ўзининг ишонч ёрлиқларини топшириши олдидан СССР Ташқи Ишлар Министри В. М. Молотов уни 1 августда қабул қилди. (ТАСС).

Югославия парламент делегацияси Москвага жўнаб кетди

БЕЛГРАД, 1 август. (ТАСС). СССР Олий Советининг таклифига мувофиқ, Югославия Иттифоқ халқ скупшчинасининг делегацияси бугун Белграддан Москвага учиб кетди. Делегацияга Хорватия Халқ Республикаси Соборининг раиси В. Бакарич бошчилик қилмоқда.

Земун аэродромида делегацияни Югославия Иттифоқ халқ скупшчинасининг раиси М. Пьяде, Иттифоқ халқ скупшчинаси раисининг ўринбосари В. Симич ва бошқа расмий шахслар кузатиб қолди.

Делегацияни СССРнинг Югославиядаги элчиси В. А. Вальков ҳамда СССРнинг Белграддаги элчихонасининг мас'ул ходимлари ҳам кузатиб қолдилар.

Югославия парламент делегациясининг бошлиғи В. Бакарич жўнаб кетиш олдидан матбуот вакилларига қуйидагиларни айтди:

«Сизларга ма'лумки, биз Совет Иттифоқига СССР Олий Советининг таклифига мувофиқ борамиз. Биз, бу визит фикр олмошиш ҳамда энг яхши муносабатлар ўрнатиш учун ўзаро ишончсизликни бартараф қилишнинг яхши формасидир, деб ҳисоблаймиз. Делегация а'золари бу ишда қатнашмаларидан жуда хурсандирлар».

Ҳиндистонда пахта етиштириш бешйиллик плани бажарилди

ДЕҲЛИ, 31 июль. (ТАСС). Ҳиндистон информация бюросининг хабар беришича, Ҳиндистонда пахта етиштириш биринчи бешйиллик планида кўзда тутилган рақамга муддатидан бир йил илгари эришилди. Ўтган йили пахта 18 миллион акрдан ортиқ майдонга экилди. Пахта етиштириш 4 миллион 300 минг тойни ташкил қилди.

Иккинчи бешйиллик планда ҳар йили 5 миллион 580 минг той пахта етиштириш кўзда тутилган. Пахта майдони 20 миллион акрдан ортади.

Кореяда совет госпитали очилди

ПХЕНЬЯН, 31 июль. (ТАСС). Пхеньянда совет Қизил Крестининг янги госпитали очилди. Бу — биринчи даража медицина асбоблари билан та'минланган йирик даволаш муассасасидир.

Госпитальни тантанали очиш маросимида Корея Халқ-Демократик Республикаси ҳукуматининг раҳбарлари Ким Ир Сен, Ким Ду Бон, Цой Ен Ген, Пак Чан Ок, Хон Мен Хи, Нам Ир, СССРнинг КХДРдаги фавқулодда ва мухтор элчиси В. И. Иванов, ХХР ва халқ демократияси мамлакатлари элчихоналарининг бошлиқлари, мамлакатдаги турли жамоат ташкилотларининг вакиллари ҳозир бўлдилар.

Митингда сўзга чиққан кишилар Корея Халқ-Демократик Республикаси меҳнаткашларига тақдим этилган бу қимматли совға учун совет халқига, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига, Совет ҳукуматига самимий ташаккур билдирдилар.

СССР блан дипломатик ва савдо муносабатлари ўрнатиш учун

ПАРИЖ, 31 июль. (ТАСС). Франс Пресс агентлигининг Маниладан олиб берган хабарида айтилишича, кеча Филиппин конгрессининг а'зоси Педро Лопес Совет Иттифоқи блан дипломатия ва савдо муносабатлари ўрнатиш тўғрисида таклиф киритган.

Ёшларнинг Варшавадаги Жаҳон V фестивалида

Ёшларнинг халқаро спорт ўйинлари бошланди

ВАРШАВА, 1 август. (ТАСС). Бугун тушдан кейин Варшавадаги Ўнйиллик стадионида ёшларнинг иккинчи Халқаро спорт ўйинларини тантанали равишда очиш маросими бўлди.

Стадион трибуналари ўн минглаб варшавалилар ва фестиваль қатнашчилари блан лиқ тўлган эди.

Тантаналарга Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Б. Берут, Давлат кенгашининг раиси А. Завадский, Министрлар советининг раиси Ю. Циранкевич, Польша Маршали К. Рокоссовский ва Польша давлатининг бошқа раҳбар арбоблари келдилар. Тантаналарда СССРнинг Польшадаги элчиси П. К. Пономаренко, Варшавадаги кўпгина дипломатик ваколатхонанинг бошлиқлари, халқаро ёшлар ҳаракатининг раҳбарлари ва Польша ҳамда четэл матбуотининг вакиллари ҳам ҳозир бўлдилар.

Энг яхши поляк спортчиларининг бир группаси Польша Халқ Республикаси давлат гимнининг садолари остида мусобақалар байроғини кўтаради.

Сўнгра спорт ўйинлари қатнашчиларининг тантанали паради бошланади. Бу мусобақаларда халқаро спорт федерацияларининг а'зоси бўлган 4 мингга яқин спортчи қатнашади. Фестиваль қатнашчиларидан 5 мингдан кўпроқ киши фестиваль значоги учун бўладиган мусобақаларда қатнашмоқчи эканликларини айтдилар. Парад тамом бўлгандан кейин стадионда поляк спортчиларининг оммавий гимнастика машқлари бўлди.

Спорт байрами Варшава ва Пекин футбол командаларининг ўртоқларча учрашуви блан тугади.

ВАРШАВА, 2 август. (ТАСС). Кеча бутун кун бўйи Варшаванинг турли жойларида ёшлар ва студентлар Жаҳон V фестивали қатнашчиларининг чиқишлари бўлди.

Варшава халқ филармониясининг залида Совет Иттифоқи ёшлари симфоник оркестрининг дирижёр Рождественский бошқарувида симфоник концерти бўлди.

Кечқурун Маданият ва фан саройининг конгресслар залида Польша бадиий хаваскорлик коллективларининг катта концерти бўлди.

Женевада Хитой-Америка музокаралари

ЖЕНЕВА, 1 август. (ТАСС). Бугун маҳаллий вақт блан соат 16 да Хитой Халқ Республикаси ва Америка Қўшма Штатларининг вакиллари ўртасида музокаралар бошланди. Элчилар даражасида олиб борилаётган бу музокаралар Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Женевадаги Европа бўлими жойлашган Миллатлар саройида ўтказилмоқда.

Музокараларни Хитой Халқ Республикаси томонидан Хитой Халқ Республикасининг Польшадаги элчиси Ван Бин-нань, Америка Қўшма Штатлари томонидан АҚШнинг Чехословакиядаги элчиси А. Жонсон олиб бормоқда.

Ван Бин-наньнинг 31 июльда матбуот конференциясида берган баёнотига кўра, музокаралар Хитойда бўлган ба'зи америкали гражданларни репатриация қилиш, шунингдек АҚШда университетларни тамомлаган хитой студентларини ватанларига қайтариш масаласини муҳокама қилишдан бошланади.

Четэл матбуоти Хитой Халқ Республикаси ва АҚШ элчилари ўртасида бугун бошланган музокараларга катта аҳамият бермоқда. Бирқанча газеталарнинг обзорчилари, масалан, Лондондаги «Обсервер» газетасининг обзорчиси, бу музокаралар Хитой Халқ Республикаси блан АҚШ ташқи ишлар министрларининг учрашувига «муқаддима» бўлади, деб ҳисобламоқдалар. Шу муносабат блан, ўзаро репатриация қилиш масаласидан ташқари яна Хитой Халқ Республикаси блан АҚШни қизиқтирадиган бошқа проблемалар ҳам ҳомаки равишда муҳокама қилиниши мумкин, деган фикр айтилмоқда.

* * *

ЖЕНЕВА, 1 август. (ТАСС). Хитой Халқ Республикаси ва Америка Қўшма Штатлари вакилларининг биринчи мажлиси 50 минут давом қилди.

Мажлисда биринчи бўлиб Хитой Халқ Республикасининг вакили Ван Бин-нань сўзга чиқди. У, Хитой Халқ Республикаси ҳукумати америкали 11 ўқучини муддатидан олдин озод қилиш тўғрисида 31 июльда қарор қабул қилди ва шу куниёқ улар Хитой Халқ Республикасидан чиқиб кетдилар, деб хабар берди. Хитой ҳукуматининг бу тадбири, дели Ван Бин-нань, ушбу музокараларнинг боришига яхши та'сир қилади, деб ишонаман.

Ван Бин-нань, музокаралар фақат ҳар иккала давлат гражданларини ўзаро репатриация қилиш масаласи блангина чекланиб қолмаслиги, шу блан бирга, Хитой Халқ Республикасини ҳам, АҚШни ҳам қизиқтираётган бошқа амалий масалаларга ҳам тегиб ўтиши лозим, деган фикрни айтди. Ван Бин-нань биргаликда куч ва ғайрат сарфланган тақдирда музокаралар ўз олдида турган юксак мақсадларга эришади, деб ишонч билдирди.

Сўнгра, Хитой Халқ Республикаси вакили музокараларнинг кун тартибини таклиф қилди.

Америка Қўшма Штатлари вакили А. Жонсон сўзга чиқиб, америкали ўқучиларнинг репатриация қилинганлиги тўғрисида Хитой Халқ Республикаси вакили айтган гапларни хурсандлик ва миннатдорлик блан эшитдим, деди. Сўнгра у, музокараларнинг Ван Бин-нань томонидан таклиф этилган кун тартибига ўзининг рози эканлигини айтди.

Биринчи мажлис тамом бўлгандан сўнг биргаликда ахборот э'лон қилинди. Ахборотда бундай дейилади:

«Хитой Халқ Республикаси ва Америка Қўшма Штатларининг элчилари 1955 йил 1 августда Женевада ўзларининг биринчи мажлисларини ўтказдилар. Икки ўртада бўлган келишув асосида музокараларнинг қуйидаги кун тартиби қабул қилинди:

1. Иккала томоннинг граждан шахсларини репатриация қилишлари.

2. Иккала томон ўртасидаги мавжуд бошқа амалий проблемалар.

Эндиги мажлис 2 август эрталаб соат 10 да бўлади, деб қарор қилинди».

РУМИНИЯ ВА ФРАНЦИЯ ҲУКУМАТЛАРИНИНГ БИРГАЛИКДА ЧИҚАРГАН АХБОРОТИ

БУХАРЕСТ, 1 август. (ТАСС). Руминия телеграф агентлигининг билдиришича, Руминия Халқ Республикасининг ташқи ишлар министрлиги Руминия ва Франция ҳукуматларининг биргаликда чиқарган қуйидаги ахборотини матбуотда э'лон қилиш учун топширган:

«Руминия Халқ Республикаси ҳукумати блан Франция ҳукумати иккала мамлакатни қизиқтиручи бирқанча масалалар юзасидан қониқарли битимга келдилар.

Ҳар иккала ҳукумат шу икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлаш ниятига амал қилиб, Руминия Халқ Республикаси блан Франция ўртасида маданий алоқани ривожлантириш тўғрисида битимга келдилар.

Франция ҳукумати Франция товарларининг Руминиягa экспорт қилинишини вақтинча тақиқлаб қўйишни кўзда тутган 1955 йил 18 июньдаги қарорни 1955 йил 1 августдан бошлаб бекор қилишга қарор қилди».

Совет қишлоқ хўжалик делегациясининг АҚШда бўлиши

ЛИНКОЛЬН (Небраска штати) 1 август. **(ТАСС махсус мухбири).** Совет қишлоқ хўжалик делегацияси Қўшма Штатларда икки ҳафта бўлганидан кейин кеча биринчи марта бутун кун бўйи дам олди. Лекин, шунга қарамай, делегатларнинг бир группаси — Н. Мацкевич, Ю. Голубаш, А. Шевченко бутун кун бўйи Небраска штатидаги чорвачилик районини бориб кўрдилар. Бу районда бўлиш делегациянинг АҚШда саёҳат қилиш планида кўзда тутилмаган эди.

Делегатлар Уэлбур Драйбреднинг ранчосига (чорвачилик фермасига) бордилар. Зотли чорва моллар етиштираётган бу ранчо Қўшма Штатларда машҳурдир.

Драйбред совет делегатларига зотли чорва моллар етиштиришдаги ўз тажрибаларини айтиб берди ва яйловдаги чорва молларни кўрсатди. 5,5 минг гектардан кўпроқ жойни эгаллаган бу ранчони кўриб чиқиш учун уч соатга яқин вақт кетди.

Совет делегатларининг бир группаси шу ранчонинг ёнидаги Риис ранчосига ҳам бориб, у ерда пичан ўришнинг машиналаштирилганлиги блан, Эйвердино-Антуссси зотидан бўлган чорва молларни етиштириш усули блан ҳамда яйловларнинг аҳволи блан танишди.

Драйбред ва Риис Совет делегатлари блан хайрлашар эканлар уларга бундай дедилар: «Буерда яхши дўстлар топиб олганлигингиз эсингизда бўлсин. Сизлар блан бу учрашувимиз америка ва совет халқлари тинч-тотув яшашга эришишлари мумкин ва албатта тинч-тотув яшайдилар, деган фикримизни янада кўпроқ мустаҳкамлади».

Хитой Халқ Республикаси олий халқ судининг ҳарбий трибунали америкали 11 жосусни озод қилди

ПЕКИН, 1 август. (ТАСС). Хитой Халқ Республикаси Ташқи ишлар министрлигининг хабарида айтилишича, америкали 11 жосус — Жон Нокс, Арнольд кичкина, Уильям Ҳард Баумер, Ўжин Жон Ваади, Уоллес Ламер Браун, Элмер Фред Левеллин, Жон Будро Баж, Говард Уильям Браун, Стив Эдвард Киба, Гарри Мартин Бенжамин-кичкина, Даниэл Крисс Шмидт ва Жон Уокер Томпсон—самолётларда Хитой Халқ Республикасига кириб олиб, жосуслик ишлари блан шуғулланиб келганликлари ва Хитойнинг хавфсизлигига таҳдид қилганликлари учун Хитой Халқ Республикаси олий халқ судининг ҳарбий трибунали уларни илғари турли муддатларга қамоқ жазосига ҳукм қилган эди. Бу 11 жосус жазо муддатини ўтаётган вақтларида интизомга риоя қилганликлари ва яхши хулқли бўлганликлари сабабли ижрочи ма'мурлар олий халқ судининг ҳарбий трибуналига мурожаат қилиб, уларга нисбатан шафқат қилишни илтимос қилдилар.

Олий халқ судининг ҳарбий трибунали қонунга мувофиқ шу 11 жиноятчини муддатидан олдин озод қилиш тўғрисида 31 июльда қарор чиқарди ҳамда ижрочи ма'мурларга уларни озод қилиш ва Хитой Халқ Республикаси территориясидан чиқариб юбориш тўғрисида ларҳол чоралар кўриш ҳақида кўрсатма берди.

Хитой Халқ Республикасида америкали 11 жосуснинг озод қилинганлигига доир

ВАШИНГТОН, 1 август. (ТАСС). Ассошиэйтед Пресс агентлиги мухбирининг Вашингтондан берган хабарида айтилишича, Оқ уй АҚШ президенти Эйзенхауэрнинг баёнотини э'лон қилган. Бу баёнотда президент Хитой Халқ Республикаси олий халқ суди ҳарбий трибуналининг «америкали 11 ўқучини» муддатидан олдин озод қилиш тўғрисидаги қароридан мамнун бўлганлигини айтилган.

Мухбирнинг айтишича, конгресс доирадари бу хабарни ма'қуллаб-кутиб олганлар.

„СЎҚОҚ" ДА

Паркентдан бошланадиган эгрибугри йўл Чатқол тизма тоғлари этакларига бориб тақалади. Ҳаво тоза, майин. Йўл бўйи ва тоғ ёнбағирларида кўзга ташланаётган арча, тол, тераклар кўкка бўй чўзиб турипти.

Тошлан-тошга урилиб, шалдираб оқаётган ирмоқлар бирлашиб, пастга қараб шошилади. Ана шу ирмоқлар бирлашган жойнинг ёнверида «Сўқоқ» дам олиш уйининг бинолари қад кўтарган.

Бу ерга беполён Ватанимизнинг жуда кўп шаҳарларидан дам олучилар келадилар. Тошкент тўқимачилик комбинатининг мастери С. А. Кубракова, «Узбекэнерго» корхонасининг слесари Н. П. Кутузов, СазПИ студенти А. Г. Исрафилов каби юзлаб кишилар дам олиб қайтдилар. Мавсум бошидан бери бу ерда 1000га яқин киши дам олди, яна 2500 киши дам олади.

Дам олучилар шахмат-шашка, волейбол ўйнайдилар, тоғ ва сой бўйлаб экскурсияларга чиқадилар.

Суратда: «Сўқоқ» дам олиш уйи.

А. Аверьянов, фотоси.

Китобхонлар блан учрашув

Ўзбекистон ёзучилари ёзги каникулни кўнгилли ўтказаётган ёш авлод учун намунали хизмат қилмоқдалар. Улар республикамиздаги пионерлар лагери ва санаторияларда учрашувлар ўтказиб, уларга ўзларининг ўқучи ва пионерлар қаётидан ёзилган асарларини ўқиб бермоқдалар ва ижодий тажрибалари, келгусида ёзадиган асарлари ҳақида сўзлаб бермоқдалар.

Ёзучилар «Ўзбексельмаш» ҳузуридаги пионерлар лагерида, Островский номли пионерлар саройида, Свердлов номли театрда ва бошқа жойларда китобхонлар блан учрашдилар.

Қуддус Муҳаммадий, Миртемир, Ҳамид Ғулом, В. Липко, А. Иванов каби шоир ва ёзучилар ёшлар томонидан қизғин қутиб олинмоқда. Учрашувларда ёш ёзучилардан Е. Видонова, Олим Кўчқорбеков, Ерсеевалар ҳам қатнашмоқдалар.

Ҳозир Ўзбекистон Совет ёзучилар союзининг Ҳамид Олимжон номли адабиётчилар уйида, тўқимачилик комбинати ва темирйўлчилар клубида ҳамда тикучилар Маданият саройида республика ёзучиларининг адабий кечалари ўтказиш учун қизғин тайёрланилмоқда. Бу кечаларда республикамизнинг ёш ёзучи ва шоирлари ҳам иштирок этадилар.

Юсуф ШОМАНСУРОВ.

Ишлабчиқариш йиғилишларини ўтказиш тўғрисида консультация

Яқинда касаба союзлари Ўзбекистон Совети Ленин район партия комитети блан биргаликда райондаги завод, фабрика касаба союз комитетлари ва цех касаба союз ташкилотларининг раислари учун ишлабчиқариш йиғилишларини тайёрлаш ва уни ўтказиш тартиби ҳақида консультация ўтказди.

Консультацияда касаба союз ташкилотлари раҳбарларидан ташқари корхоналарнинг директорлари ҳам қатнашди.

Ишлабчиқариш йиғилишларини ўтказишга тайёрлик кўриш ва уни ўтказиш тартиби ҳақида касаба союзлари Ўзбекистон Советининг инструктори ўртоқ М. Муҳамедов доклад қилди.

Консультацияда қатнашган касаба союз ходимлари ишлабчиқариш йиғилишларини ўтказишга тайёрлик кўриш ва уни ўтказиш юзасидан ўз тажрибалари блан ўртоқлашдилар.

Шунингдек, улар корхоналарда касаба союз ишларини яхши йўлга қўйишда фойдали бўлган ана шундай консультация ва йиғилишларни тез-тез ўтказиб турилишини таклиф қилдилар.

Н. ШТИФАНОВ.

193 киши ҳунар ўрганди

Республика маданият уйи ҳузурида драма, тасвирий сан'ат, адабиёт ва бошқа тўгараклар блан бирга бичув-тикув ва қўл блан гул солиш тўгараклари ҳам мунтазам ишлаб келмоқда.

Бичув-тикув ва қўл блан гул солиш тўгараклари ташкил этилгандан буён 3 мингга яқин киши ҳунар ўрганиб чиқди. Тўгаракда етишиб чиққан чеварлар турли корхона ва муассасаларда ишламоқдалар, колхоз ҳамда совхозлардаги тўгараклларга раҳбарлик қилмоқдалар. Масалан, Оржоникидзе район Сталин номли, Калинин районидаги Буденний номли колхозлардаги тикувбичув тўгараклларида раҳбарлик қилаётган Ё. Исроилова, С. Исломова ўртоқлар ана шулар жумласидандир.

Яқинда тўгарак а'золарининг битирув кечаси ўтказилди. 193 киши ҳунар ўрганиб чиқди. Чеварлар артель, фабрика ва колхозларга ишга юборилди.

Н. РИХСИЕВ.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

Радиоэшитучиларнинг э'тирозлари

Ишдаги камчиликларни очиб ташлаш ва уни биргаликда тугатиш тадбирларини белгилаш мақсадида Ўзбекистон радиоинформация Бош Бошқармаси кейинги кунларда радиоэшитучилар конференцияси ўтказишни практика қилиб кўрмоқда. Бу ташаббус ижобий натижалар бермоқда. Яқинда Тошкент шаҳар, Октябрь район партия комитети блан биргаликда Пушкин номли маданият ва истироҳат боғида район радиоэшитучиларининг конференцияси ўтказилди. Конференцияга саноат корхоналарининг ишчилари, инженер-техник ходимлари, муассасаларнинг хизматчилари, уй ишлари блан шуғулланучилардан кўп киши иштирок этди. Конференцияда Ўзбекистон радиоинформация Бош Бошқармаси бошлиғининг ўринбосари ўртоқ Ўктамов доклад қилди. Докладдан сўнг қизғин музокаралар бўлди.

— Радио орқали берилаётган кўпгина музикаларни ҳамда эшулаларни завқ блан эштамиз,— дейди Рафиқота Содиқов. — Лекин шуни айтиш керакки, кўп эшула ва музикалар такрор-такрор берилади. Бу шунинг оқибатида юз бермоқдаки, концерт программалари пухта ўйлаб тузилмаётир, бой музика фондидан ёмон фойдаланилмоқда. Кейинги кунларда янги музика ва эшулаларни жуда кам эштмоқдамиз. Радиокомитети шоирларимиз ва композиторларимиз блан мустаҳкам алоқа ўрнатмаган. Шоирларимиз халқимизнинг қувноқ ва бахтли ҳаёти ҳақида, ажойиб замонамизда яратилаётган му'жизалар ҳақида қўшиқлар ёзишларини, композиторларимизнинг эса, ҳаммага манзур бўладиган, қышнинг эсида қоладиган музикалар яратишларини истар эдик.

— Менингча,— деб давом этади нотиқ, — концерт программаларини бойитиш, уларни рангба-ранг қилиш учун ҳаммага аксини топмаётир. Кейинги вақтларда болалар учун соада ва тушинарли тилда фан ва техника янгиликлари эшиттирилмай кўйди.

КПСС XIX с'езди мактабларда политехника та'лимини кенг жорий қилиш тўғрисида қарор қабул қилган эди. Радиоинформация Бош Бошқармаси бу соҳада яхши натижаларга эришган мактаб коллективларининг бой тажрибасини оммалаштиришга жуда кам этибор бермоқда. «Ўқитучи маслаҳати» деган циклдаги эшиттиришлар ҳамма фанлар юзасидан ҳам бўлмаётир. Ёшларимизни кўзланган мақсадга эришишда учраган дастлабки қийинчиликлардан кўрқмайдиган қилиб тарбиялаш, уларда турли касбларга нисбатан ҳавас ва қизиқиш уйготиш мақсадида махсус эшиттиришлар сонини кўпайтириш, сифатини яхшилаш лозим.

Мактабгача ёшдаги болалар учун эшиттиришлар, айниқса жуда кам бўлади. Бу соҳада кампаниячиликка йўл қўйилмоқда. Масалан, мактабгача ёшдаги болалар учун эшиттиришлар, уларнинг радио орқали чиқишлари фақат байрамлар олдиларигина уюштирилади. Ёшларимизни қизиқтирадиган, улар завқланиб тинглайдиган, эсда қоладиган мазмунли эшиттиришларни кўпайтириш лозим.

Конференция қатнашчилари, жумладан 1-нчи босмахона директори ўртоқ Адайкин, саноат корхоналари коллективларининг социалистик экономикамизни янада гуллаб-яшнатиш учун зўр ғайрат блан меҳнат қилаётганликларини айтиб, радио эшиттиришларда бу соҳа ҳали қониқарсиз ёритилаётганлигини та'кидладилар. Тўғри, вақти-вакти блан саноат ходимлари учун эшиттиришлар берилиб турди. Аммо уларнинг кўпчилиги юзаки бўлганлиги учун эшитучиларни қониқтирмайди. Янги техника ҳамда илғор технологияни жорий қилиш ва шу асосда меҳнат унумдорлигини ошириш соҳасида яхши натижаларга эришаётган илғор корхона коллективининг бой тажрибалари бутун тўлалиги блан очиб берилмаётир. Илғор ишчилар ва ишлабчиқариш новаторларининг микрофон олдида чиқишлари систематик равишда уюштирилмаётир.

КПСС Марказий Комитети июль Пленуми томонидан корхона коллективлари олдига социалистик саноатимизни янада юксалтириш, техникани янада тараққий қилдириш, ишлабчиқаришни ташкил қилишни янада яхшилаш юзасидан ғоят катта вазифалар қўйилди. Бу вазифаларни муваффақият блан бажаришда радиоинформация Бош Бошқармаси ҳам ўз ҳиссасини қўшиши лозим. Бунинг учун жойлардаги активлар блан бўлган алоқани мустаҳкамлаш, уларнинг сафини кенгайтириш, ишчилар, инженер-техник ходимларнинг микрофон олдида чиқишларини тез-тез уюштириб туриш керак. Радиоэшитириш программасида юмористик ва сатирик эшиттиришларнинг бўлмаслиги ҳам жиддий камчиликдир.

Ўзбекистон радио информация Бош Бошқармасининг ходимлари радиоэшитучилар конференцияларида айтилаётган э'тирозларни тўла ҳисобга олиб, ўз ишларини қайта қуришлари, радиоэшитириш савиясини ҳозирги юксак талаблар даражасига кўтариш мақсадида зарур тадбирларни амалга оширишлари лозим.

КИНОЛАРДА:

ҚИШКИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«РОДИНА» (кундуз ва кечқурун). НАВОИЙ номли (кундуз соат 12 дан кеч 10 гача), «ЁШ ГВАРДИЯ» (кеч соат 8 гача)—янги венгер бадиий фильми **Қизиқчининг тақдири.**

«ИСКРА» (кеч соат 9 гача), «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун) — янги немис бадиий фильми **Карола Ламберти.**

НАВОИЙ номли — эрталаб соат 10 да **Тожик халқининг байрами,** кеч соат 8 дан **Райком секретари.**

«ИСКРА» — кеч соат 9 дан **Сепсиз қиз.**

«ЁШ ГВАРДИЯ» — кеч соат 6 да рангли илмий-оммабоп фильм **Кристаллар,** кеч соат 10 да **Улар тоғдан тушиб келдилар.**

ЁЗГИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«ВАТАН», «УДАРНИК» — **Улар тоғдан тушиб келдилар.**

НАВОИЙ номли, «ХИВА» — **Қизиқчининг тақдири.**

«ИСКРА», КИРОВ номли — **Карола Ламберти.**

ИЛМИЙ-ОММАБОП ФИЛЬМЛАР КИНОТЕАТРИ — кундуз **Тоғлардаги застава,** кечқурун **Ҳинд сан'ати усталари.**

Калинин район, Маленков номли колхозда туручи **Сутбиби Каримованинг** шу район, Будённий номли колхозда туручи Аҳмад Каримовдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент область, Калинин район, 1-нчи участка халқ судида кўрилади.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА
(Беш'ёғочдаги бинода)
4 августда
АЗИЗ ВА САНАМ
Ҳамза номли театрнинг ёзги биносида
4 августда
КАТТА КОНЦЕРТ
Концертда: Ўзбекистон ССР халқ артистлари **Маҳмуджон Ғафуров, Розия Каримова,** Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Фароғат Раҳматова, Зайнаб Самнева, Зайнаб Полтушева, Ашурали Юсупов,** Ўзбекистон ССР халқ ҳофизи, **Ма'муржон Узоқов,** солистлардан **Райҳон Тўраева, Раиса Муҳиддинова, Шерали Пўлатов, Турсун Валнев, Анвар Каримов** ва бошқалар қатнашади.
Концерт кеч соат 9 да бошланади. Билетлар сотилмоқда.

ТОШКЕНТ КОНСЕРВАТОРИЯСИГА
педагоглар ва студентлар учун
ХОНАЛАР КЕРАК
Якшанба кунларидан бошқа ҳар куни эрталаб соат 9 дан кеч 6 гача мурожаат қилинсин. Адрес: Пушкин кўчаси, 31-нчи уй. Телефон —35-274, 32-601.

Бирлик кўча, 23-нчи уйда туручи **Сирожиддин Мақсудовнинг** Озодлик кўча, Сирь-Дарьинский проезд, 18-нчи уйда туручи Му'табар Мақсудовадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Сталин район, 1-нчи участка халқ судида кўрилади.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси № 34 **РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ:** коммутатор—36334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 136. Пропаганда бўлими — 136 Совет қурилиши бўлими — 135. Маданият бўлими — 132. Адабиёт ва сан'ат бўлими — 39040, Қишлоқ хўжалик бўлими — 135, Саноат ва транспорт бўлими —132, Хатлар бўлими — 132, Секретариат — 34048, Э'лонлар бўлими — 38142

Р. 05251. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. № А — 1476.